

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

“Ҳимояга рухсат”

“Телестудия тизимлари ва
иловалари” кафедраси мудири

Б.Ж.Базарбаев

“ 02 ” июнь 2015 й.

Б И Т И Р У В М А Л А К А В И Й И Ш И

Мавзу: «Қисмат» қисқа метражли бадиий фильм
(мавзу номи)

Битирувчи _____ **А.Ў.Юлдашев**
(имзо)

Илмий рахбар _____ **М.М.Салиев**
(имзо)

Такризчи (ташқи) _____ **Х.Ғаниев**
(имзо)

ТХ ва ММ бўйича
маслаҳатчи _____ **И.Сиддиқов**
(имзо)

Тошкент – 2015.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Факультет: “Телевизион технологиялар” факультети
Кафедра: “Телестудия тизимлари ва иловалари” кафедраси
Йўналиш (мутахассислик) шифри ва номи:
5211700 – “Кинотелеоператорлик”

“Тасдиқлайман”
кафедра мудирини _____
« _____ » _____ 2015 й.

**Битирув малакавий иш учун
ТОПШИРИҚ**

ЮЛДАШЕВ АБДУЛАЗИЗ ЎРМОНОВИЧ

(Талабанинг Ф.И.Ш.)

1. Иш мавзуси: “Қисмат” қисқа метражли бадиий фильм
2. «19»01.2015 й. № 60-18 буйруқ билан университет бўйича тасдиқланган.
3. Яқунланган ишни топшириш муддати: 25 май 2015 йил
4. Ишга керакли маълумотлар: Битирув малакавий иш мавзусини ёритиб бериш учун операторлик санъати, унинг тарихи, асосий услуб ва тамойиллари, операторлик техникалари ва уларнинг бадиий имкониятлари ва бошқа маълумотлар керак бўлади.
5. Хисоблаш-тушунтириш ёзуви мазмунини (ишланмага тегишли саволлар):
Мазкур Битирув малакавий ишида қисқа метражли бадиий фильмлар, яратишда операторнинг фильм тасвирий ечими устидаги ижодий иши ва операторлик маҳорати масалаларига асосий эътибор қаратилган бўлиб, Мавзу “Қисмат” қисқа метражли бадиий фильм мисолида очиб берилган.
6. График маълумотлар кетма-кетлиги: Битирув малакавий ишида график маълумотларнинг чизма, сурат, фотография каби кўринишларидан фойдаланилган бўлиб, улар мавзунини ёритиш жараёнида хронологик тартибда бериб борилади.
7. Топшириқ берилган сана: 26 январь 2015 йил

Раҳбар: М.М.Салиев

(имзо)

Топшириқни қабул қилдим

(имзо)

8. БМИ алоҳида бўлимлари бўйича маслаҳат

Бўлим	Раҳбарнинг Ф.И.Ш	Имзо, сана	
		Топшириқ бердим	Топшириқ олдим
Ишнинг “Кириш” қисми (унда қаралаётган муаммо ёки масаланинг таснифи, унинг мақсади ва долзарблиги асосланади)	М.М.Салиев		
		26.01.2015 й.	
Ишнинг “Асосий қисми” (унда қаралаётган муаммо ёки масаланинг асосий назарий қисми баён этилади.)	М.М.Салиев		
		23.02.2015 й.	
Ишга илова сифатида тасвирга олинган фильм ёки телекўрсатув (унда қаралаётган муаммо ёки масалани амалий иш мисолида очиб берилади)	М.М.Салиев		
		23.03.2015 й.	
Битирув малакавий ишини бажаришда ҳаётий фаолият хавфсизлигини таъминлаш	И.Сиддиқов		
		27.04.2015 й.	
Ишнинг “Хулоса” ва иловалар қисми (унда ишдан олинган асосий хулосалар, натижалар келтирилади ва тасдиқ сифатида чизма, фотосурат ва расмлар бўлиши мумкин)	М.М.Салиев		
		25.05.2015 й.	

9. Ишни бажариш графиги

№	Иш бўлимининг номи	Бажариш муддати	Бажарилиши тўғрисида раҳбар тасдиғи (имзоси)
1.	Ишнинг “Кириш” қисми	21.02.2015 й.	
2.	Ишнинг “Асосий қисми”	20.03.2015 й.	
3.	Битирув малакавий ишини бажаришда ҳаётий фаолият хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари	25.04.2015 й.	
4.	Ишга илова сифатида тасвирга олинган фильм ёки телекўрсатув	23.05.2015 й.	
5.	Ишнинг “Хулоса” ва иловалар қисми	23.05.2015 й.	
6.	Ҳамма бўлимлар жихатидан тайёр бўлган ишни топшириш.	02.06.2015 й.	

АННОТАЦИЯ

Мазкур Битирув малакавий ишида бадий фильмларни яратишда, хусусан қисқа метражли бадий фильмларни яратишда операторнинг фильм тасвирий ечими устидаги ижодий иши ва операторлик маҳорати масалаларига асосий эътибор қаратилган бўлиб, мавзу “Қисмат” қисқа метражли бадий фильми мисолида очиб берилган.

Бундан ташқари битирув малакавий ишда бадий фильмнинг тасвирий ечими, уни яратишда операторнинг ва кино рассомининг ижодий фаолияти ҳақида фикрлар юритилган.

АННОТАЦИЯ

Данная выпускная квалификационная работа, посвящается операторскому мастерству в художественных фильмах, в частности в короткометражных художественных фильмах и тема раскрывается на примере короткометражного художественного фильма “Кисмат” (“Судьба”).

Кроме этого, в выпускной квалификационной работе анализируются творческая работа кинооператора и художника постановщика кино над созданием изобразительного решения игрового фильма.

SUMMARY

Given exhaust qualification work is denoted cameraman skill in feature films, and subject was revealed in example of the feature film “Qismat” (“Destiny”).

Except this, in exhaust qualification to work are analysed creative working the cameraman and artist on creation scene decisions of the playing film.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	6
I БОБ. ФИЛЬМЛАР ТАСВИРИЙ ЕЧИМИНИ ЯРАТИШДА ОПЕРАТОР ВА РАССОМНИНГ ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИГИ	
1.1. Кино санъатида кинооператорнинг ўрни.....	10
1.2. Ўзбек бадиий фильмларида замонавий технологиялар.....	13
II БОБ. “ҚИСМАТ” ҚИСҚА МЕТРАЖЛИ БАДИЙ ФИЛЬМИНИ СУРАТГА ОЛИШ ЖАРАЁНИ	
2.1. “Қисмат” қисқа метражли бадиий фильмининг сценарийси устида ишлаш.....	20
2.2. Фильмни тасвирга олиш ишларига тайёрларлик жараёни.....	23
2.3. Тасвирга олиш (ишлаб чиқариш) жараёни.....	29
2.4. Монтаж жараёни.....	33
III БОБ. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ.	
3.1. Алоқа корхоналарининг атроф-муҳит ва инсон саломатлигига таъсири.....	35
3.2. Ёнғин хавфсизлиги.....	43
3.3. Иш жойини тўғри ташкил қилиш.....	48
ХУЛОСА.....	51
Фойдаланилган адабиётлар.....	53
1-илова: “Қисмат” қисқа метражли бадиий фильмидан кадрлар	55
2-илова: Фильмни тасвирга олиш жараёнидан фотосуратлар.....	58

КИРИШ

Ҳар қандай жамиятнинг тараққиётини, у қайси давр ва қайси тузумга мансуб бўлмасин, адабиётсиз, санъатсиз тасаввур қилиб бўлмаслиги барчамизга кундек равшан. Инсон ижтимоий келиб чиқиши, мартабаси, миллати, ирқи ва жинсидан қатъий назар жамиятдан айро яшай олмаганидек, албатта, санъатсиз ҳам яшай олмайди. Инсониятнинг турли даврларида, у тош давридан то бугунги кунгача бўлган давр бўлсин, инсон зотининг санъатга бўлган меҳри ва қизиқиши доимо мавжуд бўлган ва айнан санъат кишиларнинг маънавий дунёсини бойитишда, уларнинг эстетик дидини шакллантиришда ҳам беқиёс ўрин тутган дейишимиз мумкин. Инсон қадимдан ижодкорликка, санъатга ўзгача меҳр билан қараган. Бунга дунёнинг турли нуқталарида топилаётган қоятошларга чизиб ишланган суратларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Бир неча минг йилликлар давомида, то ХХІ асргача бўлган даврда инсон боласи фақат эзгулик, эркинлик, адолат каби асрий орзу-истакларига интилиб яшади. Шу ўтган даврлар мобайнида фақатгина эртанги ёруғ кунга бўлган ишонч ҳамда бу ишончни тарбияловчи ва мустаҳкамловчи восита бўлган санъат инсонни асрлар давомида ҳаёт учун курашишга, ўз ўзини англаб етишига, тарбиялашига асосий омил бўлиб келмоқда.

Юртбошимиз И.А.Каримов ўз асарларида таъкидлаганларидек “Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий, тарихий ва ёруғ келажагини улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваломбор театр, кино, адабиёт, мусиқа, рассомчилик каби санъат соҳаларини ривожлантирмоғимиз даркор”.¹ Бунинг учун эса бу соҳалар учун, хусусан, кино ва телевидение соҳалари учун ҳар томонлама етук мутахассис кадрларни тарбиялаш зарур бўлади.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч – Т.: Маънавият, 2008. 108-б.

Ватанимиз мустақилликка эришгандан кейин телевидение ва кино санъати учун мутахассисларни тайёрлашга мўлжалланган Бутуниттифок давлат кинематография институти (ВГИК), Ленинград кино муҳандислари институти (ЛИКИ) ва бошқа шу каби Олий таълим масканлари билан алоқалар узилиб қолди. Давлатимиз раҳбарияти томонидан Миллий телевидениемизни ҳамда кино санъатимизни янада ривожлантиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирларни ишлаб чиққанлиги, бу тадбирларни Фармон ва Қарорлар билан қонунийлаштирилиши натижасида ватанимизда кино ва телевидение соҳалари учун миллий кадрларни тайёрлашга эҳтиёж пайдо бўлди. 1992 йилда А.Островский номидаги Тошкент театр ва рассомчилик институтида (ҳозирги Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтида) режиссёр, Ўзбекистонда ҳизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, доцент А.Убайдуллаевнинг ташаббуси билан “Телевидение ва радио режиссёрлиги” таълим йўналиши, ҳамда кейинчалик таниқли кинооператор, Ўзбекистонда ҳизмат кўрсатган санъат арбоби, Давлат мукофоти совриндори, профессор А.И.Исмоиловнинг ташаббуси билан “Кинотелеоператорлик” таълим йўналиши ҳам очилди. 1997 йилда эса “Кино, телевидение ва радио” факультети ва “Кинотелеоператорлик маҳорати” кафедраси расман ташкил этилди. Факультет ўтган қарийб 23 йиллик фаолияти давомида Миллий Телерадиокомпаниямиз ва кино соҳаси учун юзлаб етук мутахассисларни етиштириб берди.

Ўтган йиллар давомида Миллий телевидение ва кино санъатини ривожлантириш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов бошчилигида миллий телевидениемиз, кино санъатимизни ривожлантириш, янги мазмун ва анъаналар билан бойитишга алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 16 мартда қабул қилинган “Кинематография соҳасини бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони² ҳамда 2009 йил 1 апрелда қабул қилинган №ПП-1088 “Ўзбекистон Миллий

² “Халқ сўзи” газетаси. 17.03.2004 й. 1-бет.

Телерадиокомпанияси тизимида юқори технологияли телерадио-ускуналардан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори³ ватанимизда кино ва миллий телевидениемизнинг янада ривожлантириш йўлидаги яна бир қадам бўлди. Шу жihatнинг ўзи ҳам миллий истиқлол мафкурасини халқимиз онгига етказиш, ёш авлодни истиқлол мафкураси руҳида, ватанпарвар комил инсон этиб тарбиялашда ҳамда ёшларнинг ғоявий-бадний савиясини оширишда кино ва телевидениенинг ўрни бекиёс эканлигига исбот бўла олади.

№ПҚ-1088 Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент Ахборот технологиялари университети қошида илк бор “Телевизион технологиялар” факультети ташкил этилди. Факультетга телевидение соҳасида кўп йиллардан бери меҳнат қилиб келган етук мутахассис, “Ўзбектелефильм” студиясининг директори Абдурахимов Аскар Дадаханович факультет декани этиб тайинланди.

Факультетда 2009 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб телевидение ва кино соҳалари учун операторлар, овоз ёзиш бўйича муҳандислар, махсус ёритиш бўйича муҳандислар ҳамда компьютер графикаси ва дизайн бўйича мутахассислар тайёрлана бошланди. Факультетга кино, телевидение соҳаларида кўп йиллардан бери меҳнат қилиб келаётган истеъдодли ва катта тажрибага эга бўлган малакали мутахассислар ва ёш педагоглар ёшларга дарс бериш учун жалб этила бошланди.

2011 йилда эса “Телерадио эшиттириш студиялари ва жиҳозлари” (ҳозир “Телестудия тизимлари ва иловалари”) кафедраси ташкил этилди. Кафедра кино ва телевидение соҳалари учун “Кинотелеоператорлик” ва “Махсус ёритиш технологиялари” таълим йўналишлари бўйича мутахассисларни тайёрлашга ихтисослашган. Кафедра ўзининг 6 йиллик фаолияти давомида 109 нафар мутахассисларни тайёрлашга муваффақ бўлди ва бу мутахассислар Миллий Телерадиокомпаниямиз учун, турли ҳудудий давлат телеканаллари, ватанимиздаги давлат ва хусусий киностудияларида

³ <http://old.lex.uz/cuz/doc/act2009-04.html>

ҳамда халқ хўжалигининг бошқа жабҳаларида, ҳатто чет элларда самарали меҳнат қилиб келмоқдалар. Албатта, мен ҳам мана шундай улуг даргоҳнинг битирувчиси эканлигимдан фахрланаман.

I БОБ. ФИЛЬМЛАР ТАСВИРИЙ ЕЧИМИНИ ЯРАТИШДА ОПЕРАТОР ВА РАССОМНИНГ ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИГИ

1.1. Кино санъатида кинооператорнинг ўрни.

Кино ва телевидение учун энг асосий мутахассисликлардан бири бу албатта оператордир. Оператор атамасига Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида қуйидагича таъриф берилган: оператор сўзи латин тилидаги *operatio* – ҳаракат деган сўздан олинган бўлиб, у кинотехникада кинофильмларни суратга олувчи, телевизион эшиттиришларни узатувчи, аппаратда ишловчи мутахассис – кинооператор, телеоператор⁴. Албатта, бу операторга берилган энг содда, умумий ва юзаки таърифдир.

XIX асрнинг сўнгида, 1895 йилда франциялик тадбиркорлар, ака-ука Огюст ва Луи Люмьерлар тарихда илк бор кинокамерани патентладилар. Шу йилнинг 25 декабрида ака-укалар ўша машхур “Гран-кафе” ресторани ертўласида илк бор кинони кенг оммага намойиш этдилар. Бу станцияга кириб келаётган поезднинг тасвирлари эди ва бу деярли барчамизга маълум бўлган тарихий факт. Лекин айнан мана шу кундан бошлаб инсоният тарихи, унинг маънавий ҳаёти кескин ва оламшумул ўзгаришларга юз тутди.

Кинони биринчи бор кўрган буюк француз рангтасвирчи рассоми Сезан унинг асл қудратини англагани ҳолда унга “...Бу кундан бошлаб бизнинг санъатимиз (рангтасвир) таназзулга юз тутди, чунки кино туғилди...” дея баҳо берган эди ва у тамомила ҳақ эди. Орадан кўп вақт ўтмасдан “Ҳаракатдаги тасвир”, яъни кинематограф (грек. *cinema* – ҳаракат, *grafo* – чизаман, ёзаман) тезкор суръатларда бутун дунё бўйлаб тарқалди ва олам ахлини ларзага сола бошлади.

Кино хали санъат сифатида тан олинмаган, шунчаки ярмарка аттракционни бўлган пайтларда фақат камера ва киномеханик бор эди. Ҳеч қандай режиссёр ҳам, рассом ҳам, композитор ҳам йўқ эди. Фақат оператор! Юқоридаги таърифга қайтадиган бўлсак, фақат ана шу камера деб номланган

⁴ Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 6-жилд, Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2003. 548-бет.

тасвирга олиш ускунасини ишга туширадиган техник ходим бўлган. Кейинчалик, кино ўзининг ривожланиш босқичига кўтарилиб илк кинопостановкалар суратга олиниш бошланганида ҳам кинонинг барча компонентларига фақат оператор жавоб берарди.

Операторлик касбининг масъулияти ҳақида фикр юритар экан италиялик буюк кинооператор Витторио Сторраро шундай деганди: “...Фильмнинг ёруғлик ва ранг драматургияси ечимига, кадр композициясига фақат бир одам масъулдир – оператор...”⁵

Ҳақиқатдан ҳам, адабиёт аҳли сўз билан воқеликни, асар муҳити, ғоясини ўқувчига етказса, оператор тасвир ва тасвирий усуллар ёрдамида фильм ғоясини, қахрамонлар рухий ҳолатларию, ички кечинмаларини очиб беради.

Оператор бу рассом, чунки, у тасвирий санъат асарини яратади. Бу асарда композиция, колорит, муайян мактаб хусусиятлари, нур, соя, қўйинки барча рангтасвир элементлари мавжуд. Оператор бу режиссер, чунки, у ҳар бир кадри орқали муайян бир маъно-мантиққа эга бўлади ва ҳох у ҳаракатда, ҳох у тинч бўлсин, ўз ривожини ва ечимига эга бўлади ва оператор айнан шу кадр ёки кадрлар кетма-кетлиги орқали томошабинга фикр беради. Оператор бу композитор, чунки у тасвирларнинг ритминини ҳис қилади ва белгилайди. Тасвирлар орқали мусиқа яратади. Оператор бу монтажчи, чунки у ҳар бир кадрнинг кейинги ёки олдинги кадрлар билан қай тарзда уланиши ва қандай маъно ташишини чуқур англагани ва ҳис қилгани ҳолда тасвирга олиш нуқталарини, услубларини белгилайди. Хулоса, операторлик – бу санъат, оператор – бу ижодкор!

Операторлик санъати – суратга олиш услуби орқали фильм мазмуни ва ғоясини очиб бериш ҳамда бадиий тасвир яратиш вазифасидан иборат кинематография ва телевидениега хос бўлган бадиий ижод соҳаси. Операторлик санъатининг ривожини кино санъати, тасвирий санъат, театр,

⁵ Исмаилов А.И. Живопись со светом в творчестве Витторио Сторраро. Т.: ЎзДСИ. 2009 й. 5-бет.

драматургия ва бошқа санъат турлари ривожига билан ҳамбарчас боғлиқ. Кино оператори кино режиссёри, кино расоми, фильмнинг бошқа ижодкорлари билан ҳамкорликда кинематографик техника ва замонавий услуб асосида фильмнинг тасвирий талқини, суратга олиш жараёнини ишлаб чиқади, яъни фильмнинг тасвирий образи ва пластикасини яратади. Суратга олинган тасвир сифати, энг аввало оператор маҳоратига боғлиқ. У суратга олиш жараёнида умумий, ўрта, йирик планлардан, ракурс ва ёруғлик-нурдан, кинокадр композициясидан кинофильмнинг асосий ғояси, режиссёрнинг топилмалари ва ўзининг олдида қўйган мақсадидан келиб чиқиб фойдаланади. Операторлик санъатининг ўзига хослиги шундаки, у экранда нарсаларнинг нафақат шакли, ранги ва ҳажмини, суратга олиш жойининг манзара ва масофасини тўғри, бутун борица тасвирлаш санъатини кўрсатишга, балки ҳаракат тезлиги, суръати ва йўналишига имконият яратади. Хроникал-ҳужжатли кино оператори киножурналист вазифасини, илмий-оммабоп ва ўқув киноси яратилишида оператор кўпроқ муаллиф-оператор вазифасини бажаради. Ҳар бир фильмнинг постановкачи оператори ва уларга ёрдамчи операторлар, яъни операторлар гуруҳи бўлади. Ёрдамчи оператор постановкачи-оператор топшириғи билан иш кўради. Биринчи ўзбек кинооператори Худойберган Девонов ўз фаолиятини 1907–08 йиллар бошлаган. Ўзбек киносининг дастлабки йилларида Ф. Вери-го-Даровский, А.Гинзбург, А.Булинский каби четдан келган мутахассислар фаолият кўрсатган. 30-йилларнинг бошларида ўзбек операторларидан М. Қаюмов, О.Турсунов, А.Саидов, М.Краснянский ва бошқалар иш бошлаган. Кейинроқ Ўзбекистонга келиб ишлаган украин оператори Д.Демуцкий фаолияти республикада операторлик санъатининг юксалишида алоҳида ўринга эга. У операторлик қилган “Насриддин Бухорода”, “Тоҳир ва Зухра”, “Насриддиннинг саргузаштлари” каби фильмлар энг яхши миллий кино асарларидир.

50-йилларда ўзбек киносига Н.Рядов, А.Панн, П.Расулов, Х.Файзиев каби миллий суратга олиш усталари кириб келди. 60–70-й.иларга келиб ўзбек

операторлари фильм мавзуини кенгайтириш учун янги услублар топишда изландилар. Д.Фатхуллин («Нафосат»), Даврон Салимов («Доира»), Т.Рўзиев («Ёр-ёр»), Ш.Жунайдуллаев («Дилбарим») каби янги кучларнинг келиб кўшилиши фильмларнинг тасвир имкониятларини янада кенгайтди. 70–80-йиллар ўзбек киносига кенг тарқалган жанр ва мавзу хилма-хиллиги янгича фикрлайдиган операторлар етишиб чиқишини таъминлади. Айниқса, А.Исмоилов («Шиддат»), Ш.Маҳмудов («Ажойиб ҳаёлпараст»), Т.Қаюмов («Жазирама қуёш остидаги уй»), Э.Аъзамов, Л.Симбирцев («Ота насиҳати»), Д.Абдуллаев («Ватанга хизмат қилиб»), Н.Ғуломов («Суюнчи»), Б.Назаров («Сўз раисга») каби операторларнинг хизматлари алоҳида.

Мустақилликдан сўнг операторлик санъати янада гуркираб ўсди, имкониятлар кенгайди, жанр ва услуб жихатдан чуқурлашди. Ўзбек операторларининг маҳоратлари намоён бўлишида «Буюк Амир Темури» (Р.Иброҳимов), «Марғиёна» (Ҳ. Ҳасанов), «Отамдан қолган далалар» (Р. Галиев), «Ёлғиз ёдгорим» (У.Ҳамроев), «Аёллар салтанати» (Ҳ.Файзиев), «Тилсимой – ғаройиб қизалоқ» (М. Мирзааҳмедов) каби фильмлар яна бир катта «кўприк» вазифасини ўтади. Режиссёр Зулфиқор Мусоқовнинг «Аскар ҳикояси», «Абдуллажон», «Аяжон», «Мўъжизалар майдони» фильмлари визуал санъат ривожланишида бой «озуқа»дир. Фалсафий ғоя билан суғорилган У. Ҳамроевнинг «Воиз» фильми йирик операторлик иши бўлди. М.Қаюмов, Ҳ.Файзиев, А.Исмоилов, Т.Нодиров, Д.Салимов, Ш. Маҳмудов, Д.Абдуллаев ва бошқалар республикамизнинг энг таниқли операторларидан.

1.2. Ўзбек бадиий фильмларида замонавий технологиялар

XX аср – техника асри инсоният учун беқиёс имкониятлар эшигини очиб берди. Илм-фан ривожини, унинг техник ютуқлари санъат соҳасини ҳам четлаб ўтмади. Ижодкорлар учун бир қатор янги техник воситалар ихтиро этилдики, уларни ижод жараёнида қўлланилиши ижод маҳсуллари сифатига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди.

Компьютер графикаси (лот. *compro* – жамлаш, йиғиш, *grapho* – чизиш, ёзиш) – замонавий техник воситаларидан бири бўлган компьютерлардан санъат йўлида фойдаланиш асар руҳиятини, шу билан бирга, режиссёрнинг фикр ва топилмаларини амалга оширишда катта имкониятлар яратди. Албатта, кино санъатида, ҳатто у кашф қилинган пайтлардаёқ, бир қатор мураккаб тасвирга олиш усуллари кашф этилган ва санъат ҳамда ижод йўлида кенг фойдаланила бошланган эди. Тиниб-тинчимас режиссёрлар, кашфиётчи операторлар томонидан тезлаштирилган ва секин-лаштирилган тасвирга олиш, икки марта экспозициялаш, “наплыв”, “блуждающая маска” каби бир қатор мураккаб тасвирга олиш усуллари ўйлаб топилган ва улардан ҳозирги кунда ҳам фойдаланилади. Бугунги кунга келиб бундай эффектларни яратишда фойдаланиладиган трюк-машиналар ўрнини компьютерлар эгаллади. Улар тезлиги, юқори сифати, имкониятларининг бениҳоя даражада кенглиги билан трюк-машиналар ўрнини ҳақли равишда тортиб олдилар.

Барча спецэффектлар асосан икки категорияга бўлинади: биринчиси, визуал эффектлар – унда фильм яратишда фойдаланиладиган барча оптик усуллардан ва табиийки, компьютер графикасидан фойдаланиш назарда тутилади. Иккинчиси, механик эффектлар. Бу типга бевосита инсон қўл меҳнати ёрдамида қилинадиган эффектлар киради. Масалан, пиротехник эффектлар, махсус эффектли шовқинлар ёзиб олиш, грим ҳам механик эффектлар сирасига киради.

Бугунги кунга келиб «мураккаб тасвирга олиш» атамаси ўрнига «спецэффектлар» ва «компьютер графикаси» атамаларидан кенг фойдаланилмоқда.

Ўзбек киносининг сўнгги 10 йиллиги тўғрисида гапирадиган бўлсак, аста-секин визуал эффектлар қўлланилган фильмлар яратила бошланди. Бунга сабаб биринчидан, ватанимизда ҳам визуал эффектларни ярата олдиган мутахассис ёшлар пайдо бўлмоқда. Иккинчидан, шахсий киностудиялар ўртасидаги рақобат ривожланмоқда. Учинчидан, мустақил продюсерлар томонидан кино бизнесига ишонч, "эффект"ли фильмларга қизиқиш пайдо

бўлиши ва бунинг натижасида фильмларга кўпроқ маблағларнинг ажратилишидир.

Олти-етти йил олдин эффектлардан фойдаланиш мумкин бўлган фильмларнинг ўзи йўқ эди. Умуман олганда кино бозори ривожланмоқда.

Режиссёр А.Ғаниевнинг “Севгинатор” фильми компьютер графикасидан ҳақиқий маънода фойдаланилган илк “эффектли” фильмдир. Тўғри, бунгача ҳам бир қатор шахсий фильмларда визуал эффектлардан фойдаланишга ҳаракатлар бўлган. Лекин фақатгина айрим кадрлардагина холос. “Севгинатор” тўлалигича визуал эффектларга қурилганлиги билан алоҳида ўрин тутди. Унинг “Севгинатор-2” фильмида эса компьютер графикасидан биринчи фильмга қараганда тўрт-беш баробар кўпроқ фойдаланилган.

Ўзбек киносининг ўтган давр мобайнидаги ютуқларини инобатга олган ҳолда келажак 10 йил ичида ўзбек фильмларида ҳам замонавий технологиялардан, хусусан компьютер графика-сидан, спецэффектлардан фойдаланган ҳолда ўткир сюжетли, фантастик фильмлар, тўлиқ метражли анимацион фильмлар яратиш ўзининг юқори босқичига кўтарилади, дейиш мумкин. Жаҳон кино бозорига талабгор фильмлар яратила бошланади. Бундай фикр юритишимизга кўпгина асослар бор:

Биринчидан, жаҳон киносида бўлаётган ривожланиш, унда кечаётган ижодий ва техник жараёнлар ўзбек киносига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Кино санъати учун яратилаётган замонавий техник воситаларнинг ватанимиз киноижодкорлари томонидан ўзлаштирилаётгани ҳам бунга яққол мисол бўла олади. Бу ўзига хос эволюцион жараёндир.

Иккинчидан, ҳозирги замон томошабини чет элларда яратилаётган фильмларни катта қизиқиш билан томоша қилишмоқда. Айнан шу турдаги фильмлар премьераларини интиқлик билан кутишади. Бозор иқтисодиёти шароитида томошабин талабидан келиб чиққан ҳолда фильмлар яратиш, шу турдаги ўзбек фильмларини ишлаб чиқариш ўз-ўзидан томошабинлар қизиқишини миллий спецэффектли фильмларга, анимацион фильмларга

буриб юборишни уddасидан чиқа олиш катта фойда келтириши шубҳасиз. Продюсерлар ҳам айнан шундай кинолойихаларга маблағ тикишлари табиий.

Учинчидан, айнаи вақтда “Ўзбекфильм” киностудияси қошидаги Мультипликацион фильмлар студияси томонидан компьютер графикаси (2D – икки ўлчамли ва жуда оз қисми 3D – уч ўлчамли анимация усули) ёрдамида бир катор қизиқарли ва ранг-баранг анимацион фильмлар яратилмоқда. Лекин бу фильмлар гоё томондан яхши бўлса-да, анимацион жиҳатдан жуда чекланган ва барчасининг ҳам сифати кўнгилдагидек эмас. Шу билан бирга шахсий студиялар томонидан ҳам ҳар хил реклама роликлари, фильмлар учун компьютер анимациялари, турли спецэффектлар яратишга эътибор ва талабнинг ортиши студиялар ўртасида соғлом рақобатни ривожлантирмоқда. Бунинг натижасида компьютер графикаси соҳасининг ривожланиб бориши табиий.

Миллий фильмларимизда компьютер эффектларидан фойдаланишга қизиқиш аллақачон пайдо бўлган. Бироқ тажрибали, мутахассис кадрларнинг етишмаслиги бу соҳанинг тўла куч билан ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда кадрлар муаммоси асосий ўринда турибди. Чунки, ҳар қандай турдаги соҳа, хоҳ у илмий бўлсин, хоҳ ижодий малакали кадрларсиз ривожланиши даргумон. Яқин 5-10 йил келажакда ҳам фильмларда компьютер анимацияси, графикаси, махсус эффектлар ярата оладиган мутахассис кадрлар муаммоси энг долзарб муаммо сифатида намоён бўлади. Бундай дейишимизга бир неча асослар бор.

Биринчидан, Ватанимиздаги Олий таълим масканларида айнан кино ва мультипликация соҳасида компьютер графикаси бўйича билим ва малака берадиган бўлимлар йўқ. Олий таълим масканларида “Компьютер графикаси” билимларини берадиган бўлимлар педагог ходимларининг ўзлари ҳам бу соҳани тўлиқ, мукамал билмайдилар ва асосан назарий билимлар билангина чекланиб қолмоқдалар.

Иккинчидан, компьютер графикаси бўйича мутахассислик даражасида билимларга эга бўлган ходимлар эса машаққатли педагогик фаолиятдан кўра

шахсий киностудиялардаги даромадли ишни афзал билиб, ижод соҳасига ўтиб кетмоқдалар.

Учинчидан, компьютер графикаси игна билан қудук қазигандек жуда мураккаб, жуда кўп вақт ва куч сарф этиладиган иш бўлгани учун ватанимизда фаолият кўрсатаётган аниматорлар керакли даражадаги тажрибага эга бўлганларидан сўнг чет эллардаги сердаромад лойиҳаларга ишга кетиб қолмоқдалар.

Тўртинчидан, Ватанимизда махсус эффектлар, компьютер анимацияларига бой бўлган фильмларни яратишга интилиш ва қизиқиш бора-бора янада кучайиб, аниматорлар, компьютер графикаси усталари олдига ҳам жиддий талаблар, мураккаб вазифалар қўйила бошланади. Айнан шу талабларга ҳамма ҳам бирдек жавоб бера олмайди, тажриба ва билимлари етишмайди. Шу сабабли ҳам ҳақиқий мустаҳкам билим ва катта тажрибага эга бўлган мутахассисларга талаб ортади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳаридор талабидан келиб чиққан ҳолда иш юритиш муваффақиятнинг энг асосий омилидир. Шундай экан, ўзбек томошабини талабидан келиб чиққан ҳолда тўлиқ метражли миллий анимацион фильмлари-мизни яратиш ҳар томонлама ўзини оқлайди. Голливуд студияларида яратилган “Шрек”, “Музлик даври-1, 2, 3”, “Мадагаскар” ва бошқа бир қатор анимацион фильмлар нафақат АҚШда балки бутун дунёда оламшумул муваффақиятларга эришган ва фильм ижодкорларига катта фойда келтирган. Ҳозирги кунга келиб ўзбек томошабинларида шу турдаги миллий анимацион фильмларимизга қизиқиш уйғонган. Лекин ватанимизда яратилган фильмлар максимум 10-15 минутдан ошмайди ва графика жиҳатидан юқори сифатли эмас. Режиссёр З.Мусоқов сценарийси асосида “Ўзбекфильм” студиясида яратилган “Ўғри мушук” анимацион фильми ўз йўналиши бўйича янгилик ҳисобланади. Бу фильм 2D графикасида ишланган. Бир қатор хусусий студиялар айти пайтда 3D графикасида фильмлар яратишга интиломоқдалар.

10-15 йил ичида ватанимизда ҳам тўлиқ метражли анимацион фильмлар яратила бошланади ва уларни яратиш асосан хусусий аниматорлик студиялари қўлига ўтади.

Биринчидан, хусусий студияларда меҳнатга ҳақ тўлаш системаси жуда эркин ва ҳар бир мутахассис билан ўз даражасида молиявий муомалада бўлиш, яъни иш ҳақи тўлаш мумкинлиги кадрларни бу студияларларда фаолият олиб боришга ундайди.

Иккинчидан, кино индустрияси ривожланган АҚШ – Голливудда ҳам, бошқа ривожланган давлатларда ҳам айти пайтда барча киностудиялар хусусий секторга тегишли. Бизнинг ватанимизда айнан кино-шоу соҳалари хусусий секторга ўтиб кетиши табиий ҳол.

Учинчидан, бозор иқтисодиёти шароитида рақобатга дош бериб, томошабин талабидан келиб чиқиб ишлаш, хусусий студияларнинг янада ривожланишига сабаб бўлиб охир оқибат уларнинг бутун кино бозорини қўлга олишига сабаб бўлади.

Мавжуд муаммоларни ҳал қилиш чора-тадбирлари мавжуд, албатта. Бунинг учун эса бир қанча ишлар амалга оширилиши лозим.

Биринчидан, ўзбек ёшларидан шу соҳада мутахассис бўлган миллий кадрларни тайёрлаш йўлларини, мактабларини ишлаб чиқиш лозим. Соҳага яқин ОТМларда (ЎзДСМИ) компьютер графикаси мутахассисларини тайёрловчи бўлимларни очиш.

Чет эл мутахассислари ёрдамида фильмлар яратиш сифатнинг юқори бўлишини таъминлаши мумкин, лекин жуда катта сарф-ҳаражатларга сабаб бўлгани учун ҳамма студиялар ҳам уларнинг хизматларидан фойдалана олмайди. Қолаверса, миллий кадрлар келажак ривожининг асоси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Иккинчидан, анимацион фильмлар яратишга интилаётган студиялар ва мутахассис аниматорлар ўртасида соғлом рақобатни ривожлантириш лозим. Яъни компьютер эффектлари, анимация студияларининг ўзаро рақобатлари натижасида ўсиш жадал-лашади ва янги замонавий техник воситалардан

фойдаланиш малакасига эришишга интилиш соҳанинг янада ривожланишини таъминлайди. Бу жараёни рағбатлантириш учун давлат миқёсидаги кинофестивалларда “Энг яхши анимацион фильм”, “Энг яхши визуал эффектлар учун” каби номинациялар киритиш ва молиявий рағбатлантиришни йўлга қўйиш керак.

Учинчидан, ёшлар ижодиёт марказларида аниматорлар клубларини ташкил этиш. Улар ўртасида ушбу соҳага қизиқишни ошириш, форумлар уюштириш. Тажрибали аниматорлар, спецэффектлар усталари билан мастер-класслар ташкил этиш зарур.

Катта авлод киноматографчиларининг фикрини кескин рад этмаган ҳолда айтиш мумкинки, фильм яратилар экан, унда илгари сурилган ғояни, сюжетни томошабинга максимал даражада таъсирчан ва тушунарли қилиб етказиб бериш, режиссёр-нинг ўзига хос топилмалари, бой фантазияси маҳсуллари амалга ошириш учун компьютер эффектлари зарур бўладиган бўлса улардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Томошабин ортидан эргашиб мутлақо зарур бўлмаган кадрларда ҳам асоссиз равишда спецэффектлардан фойдаланиш ёки муайян спецэффектлар, компьютер графикаси маҳсуллари, график гўзалликни экранга олиб чиқиш учун фантастик сюжет ўйлаб топиб унинг асосида енгил-елпи фильмлар яратиш авж олиб кетмаслиги учун Бадий Кенгаш томонидан қаттиқ назорат остига олиш лозим.

Яқин келажакда миллий фильмларимизда ҳам Голливуд даражасидаги юқори сифатли компьютер графикаси маҳсуллари, оламшумул спецэффектларни, барча кўрсаткичлари бўйича ҳам профессионал даражада ижро этилган анимацион фильмларни яратилишига ишониб қоламиз. Фақатгина қизиқиши бўлган, интилувчан ёшларга тўғри йўналиш бериб турилса, уларни ҳар томонлама рағбатлантирилса бас.

II - БОБ. “ҚИСМАТ” ҚИСҚА МЕТРАЖЛИ БАДИЙ ФИЛЬМИНИ СУРАТГА ОЛИШ ЖАРАЁНИ.

Мен, “Телевизион технологиялар” факультети 5211700 – “Кинотелеоператорлик” таълим йўналиши битирувчиси, 4-курс талабаси Юлдашев Абдулазиз Ўрмонович, бадий раҳбарим Тошкент Ахборот технологиялари университети “Телевизион технологиялар” факультети “Телестудия тизимлари ва иловалари” кафедраси катта ўқитувчиси, таниқли кинооператор, юзлаб бадий ва хужжатли фильмлар муаллифи М.М.Салиев раҳбарлигида ушбу бўлимни тугатяпман.

Битирув малакавий (диплом) иши сифатида “Қисмат” деб номланган қисқа метражли бадий фильмни тақдим этяпман. Бу фильмда мен постановкачи оператор, режиссёр ва монтаж устаси сифатида ишлаганман.

Университетнинг “Кинотелеоператорлик” бўлимида ўқишим жараёнида 4-курснинг 2-семестри бошида “Телестудия тизимлари ва иловалари” кафедраси мудири Б.Базарбаевнинг ҳамда битирув малакавий иш бўйича раҳбарим М.М.Салиевнинг кўрсатмасига биноан битирув малакавий иш мавзусини ва жанрини танлаш устида иш бошладим.

Мазкур битирув малакавий ишимга илова сифатида олинажак фильмни тасвирга олиш ишлари бошланишидан олдин кафедра мудири Б.Базарбаев билан операторлик ишланмаларимни муҳокама қилиб раҳбарим М.Салиевдан фильмни тасвирга олиш, унинг тасвирий ечими юзасидан тегишли кўрсатмалар, маслаҳатлар олиб турдим. Бундан ташқари фильм қахрамонлари портретларини тасвирга олишда эътибор беришим лозим бўлган жихатлар тўғрисида қимматли маслаҳатлар олдим.

Фильмнинг ҳар бир эпизоди, ҳар бир кадри ўзининг индивидуал ва оригинал тасвирий ечими ва композицияси, ўз ритмига эга бўлиши, шу билан бирга у фильмнинг умумий ритми ва композициясига мос келиши ва уни бойитиши лозимлиги, кадрлар асар қахрамонлари рухиятини, уларнинг

психологик ҳолатларини очиб бериши, бир сўз билан айтганда драматургия учун хизмат қилиши лозимлиги ҳақида маслаҳатлар олдим.

2.1. “Қисмат” қисқа метражли бадиий фильмининг сценарийси устида ишлаш.

Ҳар бир санъат соҳаси вакили, у режиссёр, кинооператор ёки рассом бўлсин, ўзи қизиқадиган тур ва жанрда ижод қилиша мойил бўлади. Мен ҳам бадиий фильмлар яратишга болалигимдан қизиққанман ва айнан кинотелеоператорлик бўлимига ўқишга кирганим ҳам бежиз эмас. Шунинг учун ҳам Битирув малакавий ишлар бўйича Низомда кўрсатилган Қисқа метражли бадиий фильм пунктига асосан битирув малакавий ишим сифатида қисқа метражли фильм яратишни мақсад қилиб қўйдим.

Изланишлар жараёнида мен кўпгина чет эл ва миллий адибларимизнинг асарларини кўриб чиқдим. Масалан Саид Аҳмад, Ўткир Хошимов, Шукур Ҳолмирзаевларнинг сайланма асарларини ўқиб чиқдим. Машҳур Чех адиби Иван Буковчаннинг “Қотил юраги” ҳикояси ҳам менда жуда катта таассурот қолдирди. Бу ҳикоя ўз хотинининг ўйнашини ўлдирганликда айбланиб олий жазога, яъни ўлим жазосига ҳукм қилинган Луиджи Ломбарди деган инсонга бағишланган. Асар қахрамони Луиджи – 45 ёшли маҳбус ўлими олдида ўз юрагини бир яхши инсоннинг ҳаётини сақлаб қолиш учун ҳаёти қилишга қарор қилади ва ўз адвокати билан маслаҳатлашиб мана шу соғлом юракка муҳтож бўлган ва бу юракка энг лойиқ бўлган инсонни топиш учун оммавий ахборот воситаларига эълон беради. Бу асар ана шу юракни қўлга киритишни истаган талабгорлар ўртасида бўлиб ўтган хангомаларга бағишланган фожеали комедиадир. Лекин, мана шундай буюк асарга бўлган ҳурматим, қолаверса ўз моддий имкониятларимни ҳисобга олган ҳолда бу асарни келажакда тўлиқ метражли бадиий фильм сифатида яратишга ният қилиб қўйдим.

Бундан бир неча йиллар олдин, 1 босқич талабаси бўлган пайтларимда АҚШлик таниқли руҳшунос олим ва бир неча машҳур китоблар муаллифи

Дейл Карнегининг бир китобини ўқигандим. Ўша пайтларда Дейл Карнегининг “Нутқдан моҳирона фойдаланишни ўрганинг; Раҳбарлик вазифасига тайёрланинг; Даромадларингизни кўпайтиринг”, “Қандай қилиб дўст орттириш ва инсонларга таъсир этиш мумкин” номли китоблари ўзбек халқимиз орасида қандайдир кучли қизиқиш билан ўқий бошланганди. Шу сабаб мен ҳам бу муаллифнинг китобини қўлимга олгандим.

Дейл Брекенриж Карнеги 1888 йилнинг 24 ноябрида Америка Қўшма Штатларининг Миссури штатида, жуда камбағал ва ночор оилада дунёга келди. Болакай оилавий қийинчиликларга қарамай мактабда ўзининг илмга чанқоқлиги ва сезгирлиги билан бошқа тенгдошларидан ажралиб турарди. Мактабни тугатгач, аввалига курьер, сўнгра Нью-Йоркда актёр бўлиб ишлайди. Ўз ишларидан қониқмаган актёр нотиклик санъатини эгаллашга қарор қилади.

“Ҳаётда ёмон одамлар йўқ, лекин ёмон шарт-шароитлар мавжуд” деган ҳаётий тамойил билан яшаган Дейл Карнеги 1955 йилнинг 1-ноябрида Қўшма Штатларнинг Нью-Йорк шаҳрида вафот этди.

Унинг “Қандай қилиб дўст орттириш ва инсонларга таъсир этиш мумкин” китоби – шахснинг мустақил таълим-тарбияси, яъни ўз-ўзини тарбиялаш масаласини бош муаммо қилиб олади. Бу китоб ўқувчига: психология; педагогика; ижтимоий ва иқтисодий муносабатларни; шахснинг жамиятда ўзини тутиши ва бошқара олиши; нутқ меъёрлари; кийиниш маданияти; жисмоний ва ақлий интизом каби тамойилларни содда ҳамда ҳаётий мисоллар асосида тушунтира олади. Психологик жиҳатдан руҳиятга таъсир этиш, суҳбатдошнинг эътиборини торта олиш, муносабатлар жараёнида таассурот қолдириш йўллари ўргатади.

Ана шу китобда инсоннинг ҳар бир кунидан фақат ижобий нарсаларни қидириши ва эртани кунга бўлган умидини, яхши ниятларини сўндирмаслиги ва энг асосийси орзу билан яшаш ва унга интилиш лозимлиги ҳақида жуда яхши фикрлар келтирилган. Муаллиф ҳар бир фикрини ҳаётий мисоллар орқали тушунтириб бергани учун ҳам китобда кўпгина қизиқарли ва ибратли

ҳикоялара дуч келамиз. Ана шундай ҳикоялардан бири “Ногирон бола” ҳикоясидир. Бу ҳикояда жуда ҳам камбағал оиладан бўлган болакай кўчада тентираб юрар экан ўзининг камбағаллигини ўйлаб жуда ўксинади. Ана шу пайтда боғда жуда яхши кийинган, бадавлат оиладан бўлган боланинг скамейкада ўтирганини кўради ва у болани хаёлан ўзи билан таққослашга киришади. У “...нега у боланинг кийимлари жуда тоза ва чиройли, менда эса эски-туски, нега у боланинг оёқ кийими қимматбаҳо менда эса йиртилиб ивадаси чиқиб кетган, нега энди у бой мен эса юпунман...” деб хаёлидан ўтказади. Болакай “Қани энди мен унинг ўрнида бўлиб қолсам...” дея хаёлидан ўтказади. Мўъжиза рўй беради: бу болакай ўз орзусига етади, болаларнинг ўрни алмашиб қолади. Болакай бой ва чиройли кийинганлигидан хурсанд бўлади. Бир оздан кейин ўрнидан турмоқчи бўлади, лекин тура олмайди. Чунки, унинг оёқлари ишламас эди. Камбағал бўлиб қолган боланинг эса хурсандчилигининг чеки йўқ эди. Гарчи у юпун бўлсада тинмай югурарди. У ана шу югуриш бахтидан хурсанд эди. Болакай нақадар катта ҳатога йўл қўйганлигини тушуниб етади. Лекин кеч бўлганди.

Муаллиф бу ҳикояси билан инсон ҳеч қачон ўзининг камчиликларидан уялмаслиги, норози бўлмаслиги лозимлиги ва агар унинг ўзи истаса ҳар қандай давлат ва мартабага ўз кучи ва ақл-заковати билан эришиши мумкинлигини илгари сурган. Айнан мана шу фикрлар учун ҳам шу ҳикояни ўз битирув малакавий ишим сифатида тасвирга олишни мақсад қилдим.

Ҳикояни топиб уни мустақил равишда киносценарийга айлантира бошладим. Қайтадан ёзиб чиқдим ва Б.Базарбаевга, кафедрамизда “Кино ва ТВда драматургия ва режиссура асослари” фанидан дарс берувчи таниқли киносценарист Э.И.Хасановаларга кўрсатиб камчиликларни тўғриладим ва тасдиқладим.

Ўзгартирилган вариантдаги сценарий битганидан сўнг, унга асосан фильм постановкаси сценарийсини ёзиб чиқдим. Уни тайёрлаш давомида мен асарни тасвирга олиш усул ва услублари бўйича олдиндан ўйлаб юрган фикрларимни, тасвирга олмоқчи бўлган кадрларимни постановка сценарийсига киритдим.

2.2. Фильмни тасвирга олиш ишларига тайёрларлик жараёни.

Тасвирга олиш жараёнига тайёргарлик ҳар қандай асарнинг қанчалик муваффақиятли чиқишини белилаб берувчи энг асосий жараёндир. Она ўз фарзандини 9 ой ўз бағрида кўтариб юриб бир кунда дунёа келтиргани каби фильмларни яратишга тайёргарлик жараёни ҳам фильмни яратишга кетган умумий вақтнинг 70-85%ни ташкил этади. Тайёргарлик жараёнида эътибордан четда қолган кичик бир нарса ҳам бутун бошли фильмнинг сифатига салбий таъсир кўрсатиши, хатто унинг батамом намойиш учун яроқсиз деб топилишига ҳам олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам мен тайёргарлик жараёнига катта эътибор бердим.

Сценарийни раҳбарларга тасдиқлатиб олинганидан кейин ундан келиб чиққан холда фильм тасвирга олинадиган объектларни белгилаб олишга киришдим. Фильмни тасвирга олиш ишлари учун сценарий бўйича жами 3 та тасвирга олиш объектлар белгиланди. Булар “Боғ”, “Кўча”, “Йўлак” каби объектлардир.

Дейл Карнегининг ҳикоясига асосан фильм воқеалари қаерда содир бўлиши аниқ айтиб ўтилмаган. Бу ҳикояда асосий урғу воқеанинг қаерда содир бўлгани эмас балки бу ҳикоядан олинадиган ҳулосага қаратилган. Мен ҳам шунинг учун фильмни яратишда ташқи безакларга эмас асосан фильмнинг мазмун-моҳиятини очиб беришга асосий эътиборни қаратиб вақт ва макон каби унсурларни инобатга олмасликка интилдим. Чунки, бу воқеанинг ҳар даврда ва исталган жойда содир бўлиши мумкинлиги унинг камровини умуминсоний даражага олиб чиқади назаримда.

Фильм воқеаларининг асосий қисми “Боғ” объектида бўлиб ўтади. Шунинг учун ҳам ана шу объектни қидиришни бошладим. Ўзимиз хоҳлагандек объектни қидириб топиш учун жами 4 дан ортиқ турли Истироҳат боғларини кўздан кечириб чиқдим. Ниҳоят Тошкент шаҳри Миллий боғ ичида ташкил этилган “EVRO-SAD” манзарали дарахтлар боғида тўхталдим. Айнан шу жой мен тасаввур қилганимдек бўлиб чиқди.



Расм 1. “EVRO-SAD” манзарали дарахтлар боғи.

Сценарийга асосан бу объектда – боғда камбағал болакай жуда яхши кийинган, бадавлат оиладан бўлган боланинг ўриндиқда ўтирганини кўради ва у болани ҳаёлан ўзи билан таққослашга киришади. У “...нега у боланинг кийимлари жуда тоза ва чиройли, менда эса эски-туски, нега у боланинг оёқ кийими қимматбаҳо менда эса йиртилиб ивадаси чиқиб кетган, нега энди у бой мен эса юпунман...” деб ҳаёлидан ўтказади. Болакай “Қани энди мен унинг ўрнида бўлиб қолсам...” дея ҳаёлидан ўтказади. Мўъжиза рўй беради ва болакай ўз орзусига етади, болаларнинг ўрни алмашиб қолади. Болакай бой ва чиройли кийинганлигидан хурсанд бўлади. Бир оздан кейин ўрнидан турмоқчи бўлади, лекин тура олмайди. Чунки, унинг оёқлари ишламас эди. Камбағал бўлиб қолган боланинг эса хурсандчилигининг чеки йўқ эди. Гарчи у юпун бўлсада тинмай югурарди. У ана шу югуриш бахтидан хурсанд эди. Болакай нақадар катта ҳатога йўл қўйганлигини тушуниб етади.

Аввалига мени бу боғ бироз қониқтирмади. Чунки, бу боғда ўсимликлар ва дарахтлардан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Мен эса ҳикояни ўқиётганимда бу боғни арғимчоқ ва турли кўнгилочар ўйинлар билан тўла боғ бўлади деб тасаввур қилгандим. Кейинчалик, юқорида айтиб ўтилганидек, бу ҳикояда

асосий урғу воқеанинг қаерда содир бўлгани эмас балки бу ҳикоядан олинадиган хулоса, фильм ғояси очиб бериш муҳимлигини англаб етган ҳолда айнан шу объектни “Боғ” объекти сифатида тасдиқладим.

“Кўча” объектини топиш ва тасдиқлаш умуман муаммо туғдирмади деса ҳам бўлади. Ўйлаб кўриб бу объектдаги воқеаларни ҳам мана шу Миллий боғ ичида тасвирга олишни режалаштирдим.

Объектларни қидириш ва тасдиқлаш билан бирга фильмдаги бош ролларга актёрларни танлаш жараёнини ҳам олиб бордим. Бу қисқа метражли бадиий фильм учун асосан 2 та ёш ўғил болаларни топиш лозим бўлди. Кўпгина болалар билан суҳбатлашгандан кейин камбағал болакай ролига Юнусобод туманидаги №70 мактаб 6 синф ўқувчиси Миркамол Турсуновни ва ногирон бой бола ролига №135 мактаб 4 синф ўқувчиси Лазиз Умаровни, бой боланинг опаси ролига эса Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти 1-босқич талабаси Лола Примкуловани тасдиқладик.

Фильмнинг тасвирга олиш объектлари танланиб, тасдиқланиб бўлинганидан кейин постановка сценарийсига асосан фильмнинг бирма-бир раскадровкаларини чизиб чиқдим.

Тасвирга олиш жараёнига тайёргарликнинг яна бир муҳим жихати бу албатта тасвирга олиш техник воситаларини ва бошқа қўшимча техник асбоб-ускуналарни танлаш жараёнидир. Чунки, операторнинг ижодий ишини ҳам, режиссёрнинг ғоясини ҳам, актёрнинг ижросини ҳам айнан техник воситалар орқали экранга узатилади. Техник воситаларнинг созлиги ва сифати фильмнинг томошабинга тўлиқ етиб боришидаги асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Фильм постановка сценарийси ва раскадровкаларга ва ўз операторлик ишланмаларимга асосланиб мен “ART cinema” хусусий студиясидан операторлик техник ускуналарини ижарага олишга буюртмалар бердим. Шунини таъкидлаш лозимки, бу битирув малакавий ишимни тайёрлаш учун маблағларни тўлиқ ўз ҳисобдан сарфладим.

Фильмни суратга олишда қўйидаги операторлик ускуналаридан фойдаландим.

	Ускуналар номи	Қаердан олинган	Микдори
1.	Canon 5D mark III рақамли фотоаппарати (объектив 24-105 мм)	“ART cinema” хусусий студияси	1 дона
2.	Canon 5D mark III рақамли фотоаппаратига қўшимча объектив 70-200 мм)	“ART cinema” хусусий студияси	1 дона
3.	“Vinten” PRO-10DC штативи	“ART cinema” хусусий студияси	1 дона
4.	SiZOR ELIT PRO миникрани 7 М	“ART cinema” хусусий студияси	1 комп.
5.	Подсветка «Butterfly» x2	“ART cinema” хусусий студияси	2 дона
6.	Glidecam fast камерани мувозанатлаштирувчи ускунаси	“ART cinema” хусусий студияси	1 дона.
<i>(Тасвирга олишда фойдаланилган барча техник воситаларнинг техник кўрсаткичлари тўғрисидаги батафсил маълумот БМИга илова қилинади).</i>			

Тасвирга олишни бошлашдан уч кун олдин “Боғ” объектида тасвирга олиш жойига бориб у ерни яна бир бор кўздан кечириб чикдим. Атроф очик майдондан иборат бўланлиги учун ҳам куннинг қайси палласида куёш нурининг йўналиш ҳолатини кўздан кечирдим. Фотоаппарат орқали тахминий тасвирга олиш нуқталарини текшириб олдим. Фильмни яратишда режиссёр ва операторлик ишини бир вақтда олиб бориш инсондан жуда катта масъулият ва саботни талаб этади. Шунинг учун ҳам аввалдан барча ишларни пухта режалаштириб олиш, керакли реквизитларни, асбоб-ускуналарни текшириб олиш зарур.

Замонавий технологияларнинг ривожланиб бораётганлиги албатта кино техник воситаларига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Унчалик қиммат бўлмаган

кичик видеокамералар ҳам, ҳатто фотосурат туширишга мўлжалланган рақамли фотоаппаратлар ҳам жуда юқори тиниқликдаги Full HD форматда видео тасвирга тушириш имконини беради. Бу ҳол мен каби ўз дебют фильмларини тасвирга олаётган ёш ижодкорларга профессионал даражадаги сифатда фильмлар яратишга имкон беради. Замонавий тасвирни қайта ишлаш компьютер дастурлари эса айрим тасвирий камчиликларни бартараф этишга ёрдам беради. Олинган тасвирларни шу жойнинг ўзидаёқ қайта кўриш имкониятининг борлиги бу ишни янада енгиллаштириб ижодкорнинг олинаётган фильмнинг ҳақиқатда техник томонлама сифатли тасвирга олинаётганлигига ишонч ҳосил қилишида катта аҳамият касб этади.

Албатта, сўнгги пайтларда замонавий технологияларнинг жуда ривожланиб кетиши ва бошқарувнинг, яъни тасвир сифати ва тиниқлиги устидан назоратни видеокамералар ўз зиммаларига олаётганлиги кино соҳасида таҳсил олмаган ҳаваскор ижодкорларнинг ёш “кинооператорлар”нинг пайдо бўлишига, натижада миллий кино санъатимизнинг савияси тушиб кетишига олиб келмоқда. Бу ҳақда таниқли кинооператор, машхур “Шум бола” фильмининг оператори Т.Каюмов “Телевизион технологиялар” факультети талабалари билан ижодий учрашувда киноя билан “...бугунги кунда Ўзбекистонда 30 млн.га яқин кинооператорлар ижод қилмоқдалар...” деган эдилар. Албатта, истеъдодли ижодкорнинг ярим ҳазил аралаш айтилган бу гаплари остида кино соҳасига санъатдан жуда олис бўлган ва етарли даражада назарий билимлари бўлмаган кишиларнинг кириб келаётганлиги ва табиийки бутун оламни лол қолдирган кино санъатимизни оёқ ости қилаётганликларидан ҳавотир акс этганди.

Бироқ, видео ва фотокамераларнинг бу каби енгиллаштириш, соддалаштириш компаниялар томонидан истаган одам улар воситасида ўз санъат асарларини яратаверсин деган ниятда амалга оширилмаганлигини, бу камералар фақат кино санъатига эндигина иштиёқи уйғонган ҳаваскор киноижодкорлар учун, оилада маиший тадбирларни тасвирга тушириш учун яратилганлигини унутмаслик лозим.

2.3. Тасвирга олиш (ишлаб чиқариш) жараёни

Фильмни тасвирга олиш ишларини ижодкордан жуда катта масъулият талаб этади. Ҳар қандай ижодкор учун ҳам тасвирга олиш ишларининг биринчи кунидеъ жараёнга тўлиқ шўнғиб кетиш бир оз қийинчилик туғдиради ва кўп ҳолларда тайёргарлик пайтида йўл қўйилган хатолар тезда кўзга ташалана бошлайди. Одатда биринчи тасвирга олиш кунидеъ энг кам материал тасвирга туширилади. Бизнинг вазиятда эса, олдимизда чекланган имкониятлар доирасида тасвирга олиш ишларини бир неча кунга режалаштиришнинг имконияти бўлмаганлиги боис, фильмнинг барча кадрларини бир куннинг ўзидаеъ тасвирга олиб тугатиш вазифаси турарди. Бу эса ўз навбатида менга янада катта масъулият юклади. Шунинг учун ҳам мураккаб бўлмаган кадрларни биринчи бўлиб тасвирга олишга қарор қилдим.



Расм 2. “Бог” тасвирга олиш объектида олинган тасвирлар.

Бу энг катта эпизоддаги воқеалар кундуз пайтида содир бўлади ва асосан фильмнинг кириш қисми вазифасини бажаради.

Бу тасвирга олиш объектидаги тасвирга олиш ишлари кундуз соат 11:00 ларда бошланди. Одатда кинофильмларни тасвирга туширишда ижодкорлар куннинг эрталаб эрта тонгдан соат 11:00 ларгача ва тушдан кейин соат 16:00 лардан кейинга белгилайдилар. Айнан шу вақтда куёш уфқда тасвирга олиш ишларини амалга ошириш учун энг мақбул жойда

жойлашади. Лекин, бизнинг вазиятда эрта баҳор бўлгани учун ҳам қуёшнинг ёруғлиги ҳали у қадар кучли эмас ва ишлаш учун халақит бермайдиган ҳолатда эди. Қолаверса, бизнинг ҳамма актёрларимиз ёш болалар бўлганлиги, бунинг устига улар илк бор камера олдида роль ижро этаётганликлари учун ҳам тасвирга олишдан аввал репетиция жараёни кўп вақтни олиб қўйди.

Тасвирга олиш ишларида бу ерда 1 дона SiZOR ELIT PRO 7 М миникранидан, 1 дона Glidecam fast камерани мувозанатлаштириш ускунасидан, 1 дона Canon 5D mark III рақамли фотоаппаратидан, 1 дона “Vinten” PRO-10DC профессионал штативи билан бирга 2 дона butterfly ёруғлик қайтаргичдан фойдаланилди. Тасвирга олиш ишлари асосан табиат қўйнида амалга оширилганлиги учун ҳам сунъий ёритиш воситаларидан фойдаланилмади.

Тасвирга олиш жараёнида имкони бориचा шошмасдан, ҳар бир кадрни пухта ўйлаб олдиндан белгилаб олинган режага асосан қўйишга ҳаракат қилдим. Бу объектда камеранинг ранг хароратини 5600 Кельвинга мосланди. Тасвирга олишим жараёнида камеранинг ўз назорат мониторидан фойдаландим.

Актёрларнинг йирик ва ўрта планларини тасвирга олишда асосан уларнинг хис-хаяжонларини, руҳий кечинмаларини кўрсатиб беришга асосий эътиборни бердим ва асосан майин ёритиш усулидан фойдаландим. Бу объектдаги тасвирга олиш ишлари жараёнида кадр ичи контрастлилик коэффиценти кундузги 1:1 – 1:2 ни ташкил этди. Тасвирга олиш ишлари давомида кадр драматургиясидан ва шароитдан келиб чиққан ҳолда кенг бурчакли оптик насадкадан фойдаландим. Баъзи жойларда эса трасфокатор ёрдамида ишладим.

“Кўча” объектидаги тасвирга олиш ишлари режасига кўра камбағал болакайнинг йўлак бўйлаб юришларини кран ёрдамида тасвирга олиш режалаштирилган эди. Кран воситасида тасвирга олиш ишларида мен SiZOR ELIT PRO 7 метрлик операторлик миникранидан ҳамда Glidecam fast

камерани мувозанатлаштириш ускунасидан фойдаландим. Кран ва Glidescam fast ускунасидан фойдаланиш тасвирларга ўзгача рух ва динамик кайфият беради.

Бош қахрамонларнинг йирик планларини тасвирга олиш пайтимда контур ёруғлик сифатида бевосита қуёш нурларидан фойдаландим. (расм 3.)



Расм 3. “Бог” тасвирга олиш объектида олинган йирик план тасвирлари.



Расм 4. “Бог” тасвирга олиш объектида олинган тасвирлар.

Навбатдаги “Кўча” объектига режалаштирган фильмдаги кадрларни, аввалроқ ҳам айтиб ўтганимиздек, мана шу Миллий боғ ва “EVRO-SAD” манзарали дарахтлар боғида, унинг бетакрор манзаларида тасвирга туширдик (Расм 5,6.).



Расм 5. “Кўча” тасвирга олиш объектида олинган тасвирлар.



Расм 6. “Кўча” тасвирга олиш объектида олинган тасвирлар.

Хар бир тасвирга олиш объектида ишлар эканман иложи борица бир хилликдан ва такрорланишлардан қочишга интилдим. Чунки, асоссиз такрорлаш бу ҳаваскорлик белгисидир. Кадрлар нуқталари, ракурсларни танлашда характерга мослаб ва кадр эстетикаси, драматургик материалга асосланган ҳолда ишлашга ҳаракат қилдим. Устозларимдан олган билимларимни амалиётда кенг қўллашга ҳаракат қилдим.

Тасвирга олиш жараёнида менга ассистентлар сифатида курсдошим О.Агзамов ва “ART cinema” хусусий студияси кран оператори ёрдам беришди. Бу эса ўзим суратга олмоқчи бўлиб мўлжаллаб юрган кадрларимни ўзим хоҳлагандай тасвирга олишга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Тасвирга олиш жараёнида юзага келган муаммо ва қийинчиликларни олган озми-кўпми тажрибамга таяниб ҳал этишга интилдим. Кўпчилик кадрлардан барибир унчалик ҳам кўнглим тўлмади. Сабаби суратга олган кадрларимни бунданда сифатли ва бунданда маъноли қилиб тасвирга олса бўларди. Бундай бўлишига сабаб актёрларнинг илм маротаба камера олдида роль ижро этаётган ёш болалар эканлиги ва чекланган моддий имкониятларимдир. Шунинг учун ҳам тезкор суръатларда ишлашга тўғри келди ва бундай тезлик албатта кадрлар сифатига ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Лекин шундай бўлсада мен иложи борица устозларим ва қолаверса томошабинлар олдидаги масъулиятимни ҳис қилган ҳолда тасвирга олаётган кадрларимни бадиий, композиция ва ёруғлик, ракурс тарафлама сифатли ва маъноли қилиб олишга интилдим.

Бош оператор сифатида тасвирга олган илк фильмим тўғрисида ўз фикримни билдирадиган бўлсам, умуман олганда фильмдан кўнглим бироз тўлди. Ижодкор шахснинг ўз ишига танқидий ёндашиши унинг янада ривожланишига туртки бўлади. Фильмнинг монтажи, постпродакшн жараёнидан ҳам кўнглим тўлди. Тасвирга олиш ишлари даврида мен иложи борица кадрларни ўзим тасаввур қилгандек профессионал даражада суратга олишга ҳаракат қилдим. Кадр композициясини қуришда ва тасвирий ечимни ҳал қилишда устозларимдан олган билимларим ва ўз малакамга таяниб иш тутдим.

2.4. Монтаж жараёни.

Тасвирга олиш ишларини апрель ойида тугатгач фильмни монтаж қилиш пайти келди. Фильмни ўз шахсий компьютерим воситасида монтаж қилдим. Фильмни монтаж қилиш жараёнида “Телестудия тизимлари ва иловалари” кафедраси ассистенти, “Кино ва ТВда монтаж асослари” фани ўқитувчиси Ш.Т.Хусановдан қимматли маслаҳатлар олиб турдим. Фильмда режиссёр, операторлик ва монтаж устаси вазифасини ҳам ўзим бажаришимга тўғри келганлиги менинг ўзимнинг режиссёрлик ва операторликка оид камчиликларимни яққол кўриб олишимга, хатоларимни билиб олишимга сабаб бўлди. Тасвирга олиш жараёнида қўшимча кадрларни, деталларни кўп тасвирга олганим учун монтаж пайтида айтиш мумкинки кўп муаммоларга дуч келмадим.

Фильмни овозлаштириш ишларини ҳам “ART cinema” хусусий студиясида амалга оширилган. Фильмда актёрларнинг ва айниқса сўзларнинг ниҳоятда кам бўлганлиги ва фильмнинг асосан ҳаракатларга қурилганлиги боис уни овозлаштириш жараёнида муаммолар бўлмади. Бош роль ижроچиси Миркамол Турсунов ва эпизодик роль ижроچиси Лола Примқуловаларнинг ўзлари экранда яратган қахрамонларига овоз бердилар.

Ушбу фильмни тасвирга олиш ишларига тайёргарлик жараёни бир ярим ойни талаб этган бўлса, уни суратга олиш учун 1 кун вақт сарфланди. Монтаж ва овозлаштириш ишлари учун сарфланган вақт 3 кунни ташкил этди.

III. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ.

3.1. Алоқа корхоналарининг атроф-муҳит ва инсон саломатлигига таъсири

Алоқа тармоғида турли частоталардаги электромагнит нурланишлар кенг қўлланилади. Алоқа қурилмаларида генераторлар, антенна қурилмалари, юқори частотали трансформаторлар, фидер йўналишлар, материалларни термик ишлов териш учун қурилмаларда – электромагнитлар, конденсаторлар электромагнит нурланиш манбаи саналади. Кўрсатилган қурилмалар ишида уларнинг атрофида электромагнит майдонлар ҳосил бўлади. Электромагнит майдонларнинг фойдали ҳаракати билан бир қаторда инсон танасига кириб, унга ноқулай, салбий таъсир кўрсатиши ва касбий касалликларга сабаб бўлиши мумкин. Улар асаб, эндокринологик ва юрак-қон томирлари тизими касалланишини чақириши мумкин, инсонда қон босими пасаяди, пульси секинлашади, рефлекслар тормозланади, қон таркиби ўзгаради.

Электромагнит майдонлар (ЭММ) таъсирида зарарланиш даражаси нурланиш интенсивлиги, частотаси, таъсир вақти ва нурланиш даражасига боғлиқ. Электромагнит майдонлар интенсивлиги, частотаси, таъсир вақти қанчалик кўп бўлса, инсон организмига таъсири шунчалик кучли бўлади.

Электромагнит майдонларнинг инсонга зарарли таъсирларини оғохлантириш мақсадида иш жойларида 0,06-300 диапазонларда стандартга мувофиқ қуйидаги нормалар ўрнатилган:

№	Частоталар диапазони, МГц	Электр ташкил этувчи, В/м	Электр ташкил этувчи, А/м
1	0,06-1,5	50	5
2	1,5-3,0	20-50	5
3	3,0-30	20	5
4	30-50	10	0,3
5	50-300	5	0,3

Ўта юқори частоталарда (300 МГц дан юқори) инсон организмига рухсат этиладиган энергетик юкланиш W ва ходимнинг нурланиш зонасида

бўлиш вақтидан келиб чиққан ҳолда ЭММ чегаравий рухсат этиладиган энергия оқими зичлиги (ЭОЗ) нормалаштирилади:

$$\text{ЭОЗ} = W / T$$

Иш жойларида $\text{ЭОЗ} \leq 10 \text{ Вт/м}^2$, рентген нурланиши ёки ҳаво ҳарорати $T > 28^\circ\text{C}$ бўлган биноларда -1 Вт/м^2 бўлиши керак.

Нурланиш интенсивлиги устидан назорати йилига камида 1 марта ўтказилиши керак, шунингдек, янги ёки эски генератор қурилмалар ишга туширилганда ёки таъмирланганда ва меҳнат шароитлари ўзгарганида ўтказилади. Ўлчов полдан 0,5 – 1 – 1,7 м масофада 3 нуқтадаги максимал қувватда ўтказилади.

Электромагнит майдонларни таъсиридан ҳимоялашнинг асосий усуллари ва воситалари қуйидагилардан иборат:

1. Ҳимоялашнинг ташкилий чоралари.
2. Манбадаги нурланиш интенсивлигини камайтириш.
3. Нурланиш манбаини экранлаштириш.
4. Нурланиш манбаидан ишчи ўринларини экранлаштириш.
5. Масофадан бошқариш.
6. Сигнализация воситаларини қўллаш.
7. Индивидуал ҳимоя воситаларини қўллаш.

Ишнинг муайян шароитларига боғлиқ тарзда шу воситалардан бири ёки уларнинг ихтиёрий комбинацияси қўлланилиши мумкин.

1. Ташкилий чоралар – ускуналарни рационал жойлаштириш, қурилмалар ва хизмат кўрсатилаётган персонал ишининг муайян режимини белгилашдир.

Юқори частоталар ва ўта юқори частоталар қурилмалари ишига тиббий кўрикдан ўтган 18 ёшдан кичик бўлмаган, техника хавфсизлиги бўйича ўқиб, имтиҳон топширган шахсларга рухсат этилади. Ҳар йили хизмат кўрсатаётган персонал тиббий кўрикдан ўтказилади.

Агар иш юқори хавфли шароитларда, нурланишда, кетаётган бўлса, ходимлар учун қисқартирилган иш куни ва қўшимча таътил белгиланади.

2. Манбадаги нурланиш интенсивлигини камайитиришда мослаштирилган юкламалар, қувват ютувчилар қўлланилиши орқали нурланиш интенсивлигини камайитиришга эришилади.

3. Нурланиш манбаини экранлаштиришда у махсус экранлар ёрдамида экранлаштирилади. Экранларнинг ҳимоя хоссалари турли материаллар билан электромагнит нурланишларнинг қайтиши ва ютилишига асосланади.

Экранлар металл ёки диэлектрик бўлиши мумкин.

Юқори электр ўтказувчанликка эга бўлган металллар энг яхши қайтариш хусусиятларига эга, катта йўқотишларга эга бўлган диэлектриклар эса энг яхши ютиш хусусиятларига эга.

4. Агар технологик сабабларга кўра, нурланиш манбаини экранлаштиришнинг имкони бўлмаса, у ҳолда нурланиш манбаидан ишчи ўринлари экранлаштирилади.

5. Нурланиш манбаи ва иш ўринларини экранлашнинг иложи бўлмаса масофадан бошқариш қўлланилади.

6. Сигнализация воситаларини қўллашда яшил ва қизил ранглардаги чироқлардан фойдаланилади. Яшил чироқ қурилманинг ишга тайёрлигини, қизил чироқ эса нурланиш кетаётганлигини билдиради.

7. Электромагнит майдонлар интенсивлик даражаси рухсат этиладиган нормалардан ошганда индивидуал ҳимоя воситаларидан фойдаланилади. Бунда ҳимоя кўзойнаклари, металлаштирилган халатлар ёки комбинизонлар ишлатилади.

Ионлашган ва радиацион нурланишлар ва улардан ҳимоя

Ионлашган (радиацион) нурланишлар рентген нурланишлари, α , β , γ – нурланишлар ҳисобланади

α , β , γ – нурланишлар манбалари радиоактив моддалар ҳисобланади ва улар алоқа соҳасида назорат-ўлчов аппаратураларида, ёнғин сигнализацияси системаларида ишлатилади.

Рентген нурланишлари (ўнлаб киловольт) юқори кучланишли электровакуум асбобларида вужудга келади. Бу югурма тўлқин лампалари, электрон нурли трубкалардир.

Нурланиш таъсирида организмда моддалар алмашиши бузилади, ички секреция безлари, қон-томир органларга зарар етади. Натижада умумий ва маҳаллий шикастланишлар шаклида ўткир ва сурункали нурланиш касаллиги ривожланади.

Умумий – лейкомия (оқ қон).

Маҳаллий – хатарли шишлар, тери касалликлардир. Ионлашган нурланиш тўқималарнинг генетик кодига таъсир этади, олдини олиб бўлмайдиган ўзгаришларни келтириб чиқаради, кейинги авлодларга ўтишига олиб келади.

Инсоннинг шикастланиш даражаси ютилган доза, нурланиш тури, таъсир вақти, индивидуал таъсирлиликлка боғлиқ.

Радиацион хавфсизлик нормалари бўйича белгиланган дозалар ўрнатилган:

- **(А тоифа)** ионлашган нурланиш манбаида бевосита ишлайдиган шахслар учун (доза 3 бэрдан ошмаслиги керак);
- **(Б тоифа)** нурланиш манбаилар яқинида ишлайдиганлар учун (доза 0,5 бэрдан ошмаслиги керак);
- **(В тоифа)** умуман бутун аҳоли учун (доза 0,05 бэрдан ошмаслиги керак).

Бэр-рентгеннинг биологик эквиваленти.

Қатор техник ва ташкилий тадбирлар ёрдамида ионлашган ва радиацион нурланишлар тасиридан ҳимояланиш мумкин.

Техник чоралар сифатида экранлаштириш, герметизациялаш ва масофадан бошқариш.

Нурланиш манбалари олдида экранлар ўрнатилиши нурлантириш дозаларини анчагина камайтиради.

Экранларнинг хажми, қалинлиги ва материаллари нурланиш туридан боғлиқ тарзда танланади.

Альфа зарраларидан ҳимоя – ҳаво қатлами бир неча см, кийим-кечак, кўлқоплар.

Бета нурланишдан – ҳаво қатлами бир неча метр ёки алюминий қатлами бир неча миллиметр, чунки нурланишнинг бу турлари кичик кириб боровчи хусусиятга эга.

Гамма ва **рентген** нурланишлар катта сингиш кучига эга, шунинг учун экранлар учун катта атом оғирликлардаги материаллар қўлланилади (кўрғошин, вольфрам), бу материалларда нурланиш ўта жадал ютилади.

Ишчи жойларида ўрнатиладиган экранлар стационар ва кўчма бўлиши мумкин.

Радиоактив моддалар махсус контейнерларга жойлаштирилади, уларда албатта радиоактив хавфли деган белги бўлиши шарт.

Индивидуал ҳимоя воситалари – халатлар, комбинезонлар, бош кийимлари, шлемлар, резина кўлқоплар, кўзойнақлар, респираторлар, махсус ҳаво узатадиган пневмо-костюмлар.

Индивидуал ҳимоя воситалари альфа-нурланиш таъсирида самарали ва гамма-нурланиш таъсирида кам самара беради.

Мунтазам ҳимоя воситалари дезактивация қилинади. Радиоактив моддалар ва ионлашган нурланиш манбалари билан ишловчи шахслар кўшимча имтиёزلардан фойдаланади (қисқартирилган иш ҳафтаси, кўшимча таътил).

Лазер нурланишлари ва улардан ҳимоя

Оптик квант генератори «**лазер**» деб аталади. Лазерли воситалар мураккаб пайвандлаш ишларида, жуда аниқ ўлчов ишларида, олмосли асбобларга ишлов беришда ва бошқа кўпгина соҳаларда қўлланилади. Телекоммуникация соҳасида ишлатиладиган лазерли воситаларга лазерли нурланиш генераторлари ва лазер нурланишларини генерациялаш ва кучайтиришга мўлжалланган оптик кучайтиргичлар киради.

Лазер нурланишлари электромагнит тўлқинларнинг ультрабинафша нурланишлардан инфрақизил нурланишларгача бўлган спектр соҳаларининг оптик диапазонини ўз ичига олади. Лазернинг нурланиш оқими жуда кичик (ташқил қилган бурчаги 1°) оқим йўналишидан иборат бўлганлигидан оқим кучланиши зичлиги нурлантирилаётган юзага нисбатан жуда катта бўлади. Лазер нурланишларининг кучланиш зичлиги $10^{11} - 10^{14}$ Вт/см² ни ташқил қилади. Ҳар қандай қаттиқ жисм 10^9 Вт/см² кучланишда буғланиб кетишини ҳисобга олсак, бу қандай кучланиш эканлигини тассаввур этиш мумкин.

Бундай катта кучдаги нурланиш энергияси инсон организмига таъсир қилса, биологик хужайраларни емириши ва инсон организмига ниҳоятда оғир таъсир кўрсатиши мумкин. Лазер нурлари инсон юрак қон айланиши, марказий асаб тизими, кўзни ва тери қисмларини жароҳатлаши мумкин. Шу билан бирга нурланиш қоннинг қўйилишига ёки парчаланишига, уйқусизлик дардига, бош оғришига сабаб бўлади.

Лазер нурларининг инсон организмига таъсири, унинг нурланиш йўналиши, тўлқин узунлиги, нурланиш қуввати, импульсли характери ва уларнинг частоталарига боғлиқ. Лазер нурлари энергияси организм хужайраларига ютилиб, уларда иссиқлик ажрала бошлайди. Ёғ хужайралари энергияни мутлоқо ютмайди.

Кўз хужайраларида ёғсимон қават йўқ, шунинг учун лазер учун ниҳоятда ҳавфли.

Лазер нурланишларидан ҳимояланиш учун тўсиқлардан ва ҳавфсизлик белгиларидан фойдаланилади. Лазер қурилмаларини ўрнатиладиган хона алоҳида ва махсус жиҳозланган бўлиши керак. Хона деворлари ўтга чидамли, нурланишни қайтариш коэффиценти жуда кам бўлиши зарур. Жиҳозлар устки қоплами ва деталлари ялтирамаслиги керак. Хона ёритилиши максимал миқдорда бўлиши, яъни кўз қорачиғи минимал кенгайган бўлиши керак.

Лазерли воситаларни масофадан туриб бошқариш ва автоматлаштириш яхши натижалар беради. Шахсий муҳофаза воситаси

сифатида филтрли муҳофаза кўзойнаги, ҳалатлар ва қўлқопларни тавсия этиш мумкин.

Лазерли воситаларга эга бўлган қурилмаларда ишлаганда ўрнатилган стандартлар, санитар меъёрлар, лазерли қурилмалар ва уларни ишлатиш қоидалари талабларига мос бажарилиши керак.

Лазерли воситалар билан ишлашда конструкциясига, хавфлилик синфига, шунингдек, лазерли воситанинг ишлатилиши шароитларига боғлиқ равишда, уларни тайёрлашда, ишлатишда ва хизмат кўрсатишда зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омилларидан ҳимоялаш ва конкрет хавфсизлик чоралари, шу жумладан, индивидуал ҳимоя воситалари техник шартларда ва ҳужжатларда кўрсатилиши керак.

Лазерли воситалар генерацияланадиган нурланишга боғлиқ равишда тўртта хавфлилик синфига бўлинади.

1 – синф. Кўзда тутиладиган ишлатиш шароитларида лазерли воситалар хавфсиз.

2 – синф. 400 дан 700 нмгача тўлқин узунликларида кўринадиган нурланишларни генерациялайдиган лазерли воситалар. Кўзни ҳимоялаш пирпираш реакцияси билан табиий таъминланади.

3А – синф. Ҳимоясиз кўз билан кузатиш учун хавфсиз бўлган лазерли воситалар. 400 дан 700 нмгача тўлқин узунликларида кўринадиган нурланишларни генерациялайдиган лазерли воситалар, ҳимоялаш пирпираш реакцияси билан табиий таъминланади. Бошқа тўлқин узунликлари учун ҳимоясиз кўз учун хавф 1 – нчи синфдагидан кўп бўлади.

Оптик қурилмалар (масалан, бинокль, телескоп, микроскоп) ёрдамида 3А – синф лазерли воситалар нурлантирадиган чакнашни тўғридан – тўғри кузатиш хавфли бўлиши мумкин.

3В – синф. Бундай лазерли воситаларни тўғридан – тўғри кузатиш доимо хавфли бўлиб, одатда, нурланишни кўринадиган тарқалиши хавфсиз ҳисобланади.

Кўринадиган соҳаларда 3в – синфдаги лазерли воситалар учун диффузион қайтарилишни хавфсиз кузатиш шартлари қуйидагилардан иборат:

- кўз ва экран орасида кузатиш учун минимал масофа – 13 см;
- максимал кузатиш вақти – 10 с.

4 – синф. Хавфли нурланиш тарқалишини ҳосил қиладиган лазерли воситалар. Улар терини шикастланишини, шунингдек, ёнғин хавфини келтириб чиқариши мумкин. Фойдаланишда алоҳида эҳтиёткорликка риоя қилиш керак.

Республикамиз алоқа тармоқларида қўлланиладиган оптик узатиш тизимларида (ОТУТ) 2 – нчи синфдаги лазерли воситалар ишлатилмайди, рухсат этиш нуқталарида 4 – синфдаги лазерли воситаларнинг бўлишига рухсат берилмайди.

Лазерли воситаларнинг хавфлилик синфи ишлаб чиқишда аниқланади ва воситага техник шартлар ишлатиш, ремонт қилиш ва бошқа техник ва реклама ҳужжатлар кўрсатилиши керак.

Оптик нурланиш манбаларига (оптик нурланиш манбаи бу маълум шароитларда чиқишида оптик нурланиш мавжуд бўлган ёки вужудга келиши мумкин бўлган исталган оптик қурилма ёки оптик узатиш тизимининг компоненти) қуйидагилар киритилиши мумкин:

- лазер нурланишлари генераторлари (лазерлар ва оптик узатиш модуллари);
- оптик кучайтиргичлар;
- оптик толали тракт узилганда ёки ажралгандаги оптик тола.

Лазерли воситалар 1-синф учун рухсат этиладиган нурланиш чегарасидан (РЭНЧ) ортиқ лазерли нурланишларни ходимларга санкцияланмайдиган таъсирларини олдини оладиган ҳимоя қурилмаларига, шунингдек, техник хизмат кўрсатишда ва ишлашда хавфсизликни таъминлаш мақсадида ҳимоя блокировкасига эга бўлиши керак.

Ҳимоя блокировкалари хавфли электр кучланишни лазерли воситалар ва уларнинг таркибий қисмларига берилишини ўз вақтида узилишини кўзда тутиши керак.

Лазерли воситалар билан ишлашга ёши 18 тўлган, тиббий кўрикдан ўтган ва тиббий қарама-қаршиликларга эга бўлмаган, оптик нурланиш манбалари билан ва оптик узатиш тизимларига хизмат кўрсатиш бўйича хавфсиз ишлаш услублари ўргатилган, меҳнат хавфсизлиги бўйича талаблар билимлари текширувидан ўтган, электр хавфсизлик бўйича гуруҳга ва мос малакага эга бўлган шахсларга рухсат этилади

Хизмат кўрсатувчи ходимлар индивидуал ҳимоя воситалари билан, шу жумладан, махсус ҳимоя кўзойнаклари ёки ёруғлик фильтрили асбоблар билан таъминланиши керак.

3.2. Ёнғин хавфсизлиги.

Ишлаб чиқариш корхоналарини ёнғин хавфсизлиги бўйича категориясини аниқлаш ва портлаш хавфсизлигини аниқлаш.

Ҳар бир алоқа корхонаси унинг ишлаб чиқариш технологияси ишлатадиган ҳом-ашёси, чиқарадиган маҳсулоти ва жойлашган биноларнинг конструкциясига кўра ёнғин чиқишига, портлашига ва ёнғин чиққан тақдирда унинг тарқалишига, ёнғиннинг асоратига асосланган ҳолида ёнғинга ва портлашга хавфли даражаси белгиланилади. Қурилиш норма ва қоидаларига асосан корхоналар, омборларда ва портлаш хавфи бўйича бешта тоифага бўлинади.

А тоифа- ёнғинга ва портлашга хавфли корхона. Буларга сув, кислород ва бир-бири билан бирикиш натижасида портлаш ва ёниши мумкин бўлган моддаларни ишлатадиган корхоналари: алангаланиш куйи чегараси хонадаги ҳаво ҳажмига нисбатан 10% миқдорни ташкил қилиши мумкин бўлган ёнувчи газларни ишлатадиган корхоналар: хона ҳажмига нисбатан 5% миқдорни ташкил қилиши мумкин бўлган ва буғланинг алангаланиш ҳарорати 28° С гача бўлган суюқликлар билан иш олиб борадиган

корхоналар. Улар олтингугуртли углерод, эфир, ацетон ва бошқа шунга ўхшаш моддалр оладиган корхоналар.

Б тоифа - ёнғинга ва портлашга хавфли корхона. Бу тоифага куйи алангаланиш чегараси ҳаво ҳажмига нисбатан 10 %дан ортиқ бўлган ёнувчи газлар билан иш олиб борадилар, шунингдек чакнаш ҳарорати 28°C дан 61°C гача бўлган суюқликлар ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида чакнаш ҳароратигача суюқликлар билан ишлайдиган ва чанглар хона ҳажмининг 5% дан кўпроқ миқдорида тўпланалдиган, портловчи аралашма ҳосил қилиши мумкин бўлган саноат корхоналари киради. Мана шундай саноат корхоналари сирасига аммиак ҳайдовчи компрессор станциялари, деталларни керасин билан ювиб тозлаш корхоналари киради.

В тоифа - ёнғинга хавфли тоифа. Бу тоифага буғларнинг чакнаш ҳарорати 61°C дан юқори бўлган суюқликлар куйи алангаланиш чегараси 65г/м^3 дан ортиқ бўлган ёнувчи чанглар ва толалар. Шунингдек кислород билан бириккан ҳолда ёнувчи моддалар ва қаттиқ ёнувчи моддалар билан ишловчи корхоналар киради. Кўмир кукуни ҳосил қилувчи, ёғочсозлик корхоналари киради.

Г тоифа - ёнғинга хавфли тоифа. Бу тоифага ёнмайдиган жисм материалларга, қиздириб.чўғлатиб ва эритиб ишлов берадиган ва ишлов бериш давомида нурли иссиқлик, учқун ва аланга чиқариш мумкин бўлган қаттиқ, суюқ ва газсимон моддалр ёқилғи сифатида ишлатиладиган корхоналар. Қозонхоналар, эритиш ва куйиш цехлари, матен цехлари киради.

Д тоифа - ёнғинга хавфсиз тоифа бунга ёнмайдиган жисмлар ва материалларга совуқ ишлов берадиган корхоналар киради. Қурилиш, машина созлик корхоналари.

Корхоналарни лойҳалашда ва қуришда ёнғинга қарши кураш тадбирлари. Корхоналарни қуриш ва лойҳалашда унинг бажарадиган иш моҳиятидан келиб чиқадиган талабларидан унга техник мустаҳкамлик санитария-гигена ва иқтисодий талаблардан ташқари унга ёнғин хавфи ва ёнғинга қариши тура олиш талаблари ҳам қўйилади. Давлат стандартларига

асосан ҳамма қурилиш конструкциялари ёниши бўйича уч гурппага бўлинади.

Ёнмайдиган контрукциялар- бунга катта ҳарорат ёки аланга таъсирида ёниб, кулга ёки кўмирга айланмайдиган қурилиш конструкциялари киради. Маслан металл конструкциялари, ва минерал материаллари.

Қийин ёнадиган конструкциялар-бунга катта ҳарорат ёки кучли аланга доимий таъсир этганда тутаб ёнадиган, аланга таъсири йўқалиши билан ўчадиган алоқа конструкциялари киради. Буларга мисол қилиб ўтга қарши ишлов берилган ёғоч конструкциялар ва чиқиндилардан тайёрланган ярим органик ва ярим минерал моддалардан тайёрланган конструкциялар.

Ёнадиган конструкциялар - буларга алага ёки катта ҳарорат ёндирувчи восита бўлиб алага олиб кетилгандан кейин ҳам ёнишда давом этадиган контструкциялар киради. Буларга ёғоч материаллари, қурилишда ишлатиладиган турли туман пласмассалар киради

Конструкцияларнинг ўтга чидамлилиги соатларда белгиланилади. Мана шу чегара соатларнинг катталигига қараб қурилиш конструкцияларининг ўтга чидамлилик даражаси белгиланилади ва улар рим рақами билан белгиланилади.I.II.III.IV.V.

I даражадаги ўтга чидамлиликка эга бўлган бинолар асосий деворлари зина поя майдонлари ва колонналарининг ўтга чидамлилик чегараси 2.5 соатдан кам бўлмаслиги.ташқи девор ва оролиқ деворлар 0.5 соатдан кам бўлмаслик керак. II -даражадаги бинолар эса юқоридаги кўрсаткичлари 2.1 ва 0.25 соатни ташкил қилади. Ўтга чидамлиги III бўлган биноларнинг ҳамма қисмлари ёнмайдиган бўлади, биноларнинг пойдеворлари қийин ёнадиган ва томлари кўтарувчи конструкцияга эга бўлган ёнадиган бўлиши керак.

IV даражали биноларда катта бинони қисмларга ажратадиган эшик-деразасиз махсус ёнғинга қарши деворлари ёнмайдиган бўлади. V даражадаги бинолар учун эса ўтга чидамлиликнинг минимал миқдори белгиланмайди.

Қурилиш конструкцияларини ўтга чидамлилиқ даражсини ортириш имкониятлари мавжуд Маслан, металлрни ўтга чидамлилиги ниҳоятда паст бўлиб 15-20 мин. Ичида эгилиб –букилиб кетади, агар ўтга чидамли бўёқлар билан бўялса чидамлилиги бир мунча ортади.алебастер ёки цемент аралашмалари Билан сувалса унинг ўтга чидамлилиги 1 соатга ортади агар, гипс плиталари билан қопласак, плиталар қалинлиги 6 см дан кам бўлмаса, уларнинг ўтга чидамлилиги 3 соатга етади.

Ёғоч конструкцияларни ўтга чидамлилигини оширишга уни суваш ва қалинлиги 20 мм бўлиши керак шунда ўтга чидамлилиги 20-25 минутга етади. Яна ёғочни ўтга чидамлилигини оширишда антиприн деб қийинлаштиради.

Электр қурилмалари, компьютерлардан фойдаланишда турли хилдаги ёнишлар хавфи доим мавжуддир. Замонавий компьютерларда электрон схемаларнинг элементларини жойлашиш зичлиги жуда юқоридир, улаш симлари, коммунакацион кабеллар бир-бирига жуда яқин жойлашган. Улардан ток оққанда, ката миқдорда иссиқлик ажралади, баъзи бўлимларда ҳарорат 80-100 С гача кўтарилиши мумкин. Бу уларнинг изоляция қобиғининг эришига, ўтказгич қисмларининг очилиб қолишига, оқибатда қисқа туташув бўлиб, учқун чиқиши ва ёниб кетишига олиб келиши мумкин.

Ортиқча иссиқликни йўқотиш учун ҳавони конденционерлаш ва вентиляция тизими хизмат қилади. Лекин бу тизмлар машиназаллари ва бошқа хоналар учун қўшимча ёнғин хавфини юзага келтиради, чунки бир тарафдан, ёнғин содир бўлганда, уларни хоналарга тезда тарқалишига ёрдам беради.

Электр қурилмаларига ток алоҳида ёнғин хавфи бўлган кабел симлари орқали узатилади, ёнувчи изоляция материалининг мавжудлиги, электр учқуни ва яқинлашиш қийинлиги кабел линияларидан ёнғин ёнғин чиқиши ва ривожланиши эҳтимоли янада катталигидан далолат беради. Шунинг учун кабел симлари ёнмайдиган материаллардан тайёрланган, олиб-қўйилувчи технологик пол остидан ўтиши керак. Ҳисоблаш марказларидаги хоналарда

ёнгин жўмаклари йўлкаларга зина майдончаларига, кириш жойларига ўрнатилади. Олов ўчиргичлари 40-50 см² га биттатдан ўрнатилади. Ёнгин сигнализаторлари ва автоматик ёнгин ўчириш қурилмалари ўрнатилади.

Ёнгинлар алоқа корхоналари, халқ хужалигининг ҳамма тармоклари, кишлоқ хужалиги ва турар жойларда юз бериши мумкин бўлган, етказадиган зарари жихатидан табиий офатларга тенглашиши мумкин бўлган ходиса ҳисобланади. Ёнгинлар катта моддий зарар келтириши билан бирга, оғир бахтсиз ходисалар, захарланиш, куйиш натижасида кишилар ҳаётини олиб кетган ҳоллар кўплаб учрайди.

Шунинг учун ҳам ёнгинга қарши кураш барча фуқароларнинг умумий бурчи ҳисобланади ва бу ишлар давлат миқёсида амалга оширилади.

Умуман ёнгин чиқмаслигини таъминлаш, ёнгин чиққан тақдирда ҳам унинг ривожланиб, тарқалиб кетишининг олдини олиш, моддий бойликларни, инсон саломатлиги ва унинг ҳаётини сақлаб қолишга қаратилган чора тадбирлар бўлиб, бу масалалар меҳнатни муҳофаза қилишнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Бизнинг вазифамиз ёнгин ҳақида асосий тушунчалар бериш билан бирга, унга қарши самарали кураш олиб бориш, ёнгинни учирлида қулланиладиган бирламчи воситалар, ҳар хил тадбирлар билан ўқувчиларни таништиришга қаратилган.

Ёнгиннинг сабаблари: иситиш печларини қуриш ёки ишлатиш қоидаларини бузиш, ишлаб чиқариш ёки уйда оловни эҳтиётсизлик билан ишлатиш, керосин билан ишлаётганда ёритиш ёки қиздириш асбобларидан нотўғри фойдаланиш ёки нотўғри ўрнатиш. Яшин ёки статик электр разрядларини ишлатиш. Машиналар ва ишлаб чиқариш жихозларинг носозлиги ҳамда уларни ишлатиш қоидаларига роя қилмаслик сабаб бўлади.

Ёнгинни олдини олиш учун тадбирлар: ташкилий, техникавий тадбирлар қўллаш керак бўлади.

3.3. Иш жойини тўғри ташкил қилиш

Иш жойи – ходим ёки ходимлар гуруҳи меҳнат фаолиятини ўтайдиган зонадир. Иш жойлари шахсий ва жамоавий, универсал, махсус ва махсуслаштирилган бўлиши мумкин. Иш жойларини лойиҳалаштиришда қуйидаги умумий талаблар бажарилиши керак:

- инсон учун етарли иш бўшлиғининг бўлиши;
- ходим танасининг оптимал ҳолати;
- инсон ва машина орасида етарли физик, кузатиш ва эшитиш алоқасининг бўлиши;
- бинода иш жойининг оптимал жойлаштирилиши;
- ишлаб чиқариш омиллари таъсирининг рухсат этилган даражаларда бўлиши, ахборот майдонининг оптимал жойлаштирилиши;
- ишлаб чиқариш хавфларидан ҳимоя воситаларининг мажудлиги.

Иш жойи – иш жараёнида инсон саломатлиги ва ишга лаёқатлилигига таъсир кўрсатувчи ишлаб чиқариш муҳити омиллари йиғиндисидир. Меҳнат шароитлари шикастланишлар ва касб касалликлари юзага келиши учун ҳар қандай шарт-шароитни истисно этиш керак. Меҳнат шароитларини ташкил қилувчи омиллар одатда 4 та асосий гуруҳга бўлинади.

1. Гуруҳ–*санитар-гигиеник* ишлаб чиқариш муҳити, иш ҳудудини характерлайдиган кўрсаткичларни ўз ичига олади. Қўлланиладиган ускуналар ва технологик жараёнларга боғлиқ бўлиб, миқдорий баҳоланиши мумкин ва меъёрланади.

Санитар-гигиеникомиллар:

- а) ёритилганлик (табiiй, сунъий);
- б) микроиқлим;
- в) ҳавоҳарорати, С;
- г) нисбийнамлик, %;
- д) ҳавоҳаракатитезлиги, м/с;
- е) ҳаво муҳитида заҳарли моддалар (буғлар, газлар, аэрозоллар) мг/м³;

ж) механик тебранишлар:

- тебраниш (титраш) (Гц-частота, мм, амплитуда, тебраниш тезлиги-м/с);
- шовқин (октава чизиқлари, Гц-частотаси, товуш босими даражаси-Дб);
- ультратовуш (шовқин каби);
- инфрақизил, ультрабинафша, ионлашиш нурланиш (км, м, дм, см, мм);
- радиочастоталар тўлқинлари (Гц, кГц, МГц);
- атмосфера босими (денгиз даражасидан ҳам баланд: м, мм, барометрик, симобустуни);
- касбий инфекциялар ва биологикагентлар.

2. Гуруҳ–меҳнат жараёни билан шартланадиган *психо-физиологик*.

Ушбу гуруҳдан фақат бир қисми миқдорий баҳоланади.

Психофизиологик (меҳнат) омиллари:

- а) жисмоний вазифа (ккал);
- б) иш ҳолати;
- в) асаб–психологик–ақлий, асаб–ҳиссиёт, кўришнинг зўрайиши, асаб-руҳий вазифа;
- г) меҳнат жараёнининг бирхиллиги;
- д) меҳнат в аҳордиқ тартиби (режими):
- смена ичи (тушликкатанаффус);
- суткалик (иш сменаларининг давомийлиги);
- йиллик (таътилнинг давомийлиги);

3. Гуруҳ–*эстетик омиллар*, ишлаётганлар томонидан атроф-муҳит аҳволи ва унинг элементлари қабул қилиниши билан характерланади, миқдорий баҳоланмайди.

Эстетик омиллар:

а) иш ҳудудида ёруғлик товуш муҳити композициясининг уйғунлиги, ҳаво муҳити ҳидларининг ҳушбуйлиги, ҳамоҳанглик композицияси, иш ҳолатлари ва меҳнат ҳаракатларининг уйғунлиги;

б) жамоанинг ижтимоий – руҳий бирдамлиги;

в) жамоада гуруҳлараро муносабатлар характери (жанжалли ҳолат, даражаси);

4. Гуруҳ–мазкур меҳнат жамоасида психологик иқлимни характерлайдиган *социал-психологик* омиллар, миқдорий баҳоланмайди.

ХУЛОСА

Операторлик санъати – суратга олиш услуги орқали фильм мазмуни ва ғоясини очиб бериш ҳамда бадиий тасвир яратиш вазифасидан иборат кинематография ва телевидениега хос бўлган бадиий ижод соҳаси. Операторлик санъатининг ривожини кино санъати, тасвирий санъат, театр, драматургия ва бошқа санъат турлари ривожини билан чамбарчас боғлиқ. Кино оператори кино режиссёри, кино расмони, фильмнинг бошқа ижодкорлари билан ҳамкорликда кинематографик техника ва замонавий услуб асосида фильмнинг тасвирий талқини, суратга олиш жараёнини ишлаб чиқади, яъни фильмнинг тасвирий образини ва пластикасини яратади.

Суратга олинган тасвир сифати, энг аввало оператор маҳоратига боғлиқ. У суратга олиш жараёнида умумий, ўрта, йирик планлардан, ракурс ва ёруғлик-нурдан, кинокадр композициясидан кинофильмнинг асосий ғоясини, режиссёрнинг топилмаларини ва ўзининг олдида қўйган мақсадидан келиб чиқиб фойдаланади.

Оператор ижодий гуруҳ билан биргаликда ишлаб чиқариш жараёнида ҳамжихатликда ишлаш, техник воситалар ва уларнинг имкониятларидан унумли ва самарали фойдалана олиши лозим. Шунингдек, адабий сценарийда, фильм режасида ёзилган воқеа ва ҳолатларни тасвир тили билан, бадиий образлар ва монтажнинг муайян турлари воситасида томошабинга еткази олиши, фильм ёки кўрсатув мўлжалланган томошабинлар аудиториясини рухияти ва умумий қизиқишларидан келиб чиқиб тасвирий ечим ва услуб танлай олиш малакасига ҳам эга бўлиши лозим.

Оператор, тасвирга олинаётган ҳар бир кадр унинг нигоҳини орқали ўтар экан, энг аввало ўз касбининг масъулиятини ва имкониятларини чуқур англагани ҳолда ишга киришиши, тасвирга олаётган ҳар бир кадрининг сифати, ғоявий бадиий хусусиятларини тўлиқ англаб етиб жавобгарликни ҳис қилиши лозимдир.

Битирув малакавий ишимга илова сифатида тасвирга олаётган “Қисмат” қисқа метражли бадиий фильмни тасвири олиш жараёнида

режиссёрлик вазифасини ҳам ўзим бажаришима тўғри келгани менга катта масъулият юклади. Бир вақтнинг ўзида тезкор ишлаш, шу билан бирга кадрларнинг композициясига, мазмунига, монтажлилиқ хусусиятларига, уларнинг ёрқинлик, тиниқлик каби техник жihatларига аҳамият бериш, бундан ташқари вазиятга қараб тезкор ҳулосалар чиқариш ва тасвирга олиш шарт-шароитларини, нуқтасини ўзгартиришга улгуриш операторнинг фаолияти давомида кундалиқ дуч келадиган муаммоларидир.

“Қисмат” қисқа метражли бадиий фильм битирув малакавий ишни тасвирга олишим давомида мен ўзим учун кўп ҳулосалар чиқардим ва янгиликлар олдим. Суратга олишга тайёргарлик ташкилий ишларга катта аҳамият бериш, мавжуд шарт – шароитдан, бор имкониятлардан келиб чиқиб, ундан юқори даражада оқилона фойдаланиш, ижодий ва техник гуруҳ аъзолари билан ижодий ҳамжиҳатлик ҳар қандай ишнинг муваффақиятини таъминлаши мумкинлигини англаб етдим.

Иш қуроллар созлигини олдиндан назорат қилиш, камчиликларни ўз вақтида бартараф этиб бориш. Тасвирга олиш объектлари масаласида ҳам олдиндан эҳтиёт чораларини кўриб қўйиш ва бошқа кўплаб ҳулосаларга келдим. Ўз келажагим, равнақим учун фойдали бўлган фикрларга, малакаларга эга бўлдим дейишим мумкин.

Кадр композицияси билан ишлашда, операторлик ишланмасини тузиш пайтида объект билан тўлиқ танишиб чиқиш, шарт-шароитларни ўрганиш ва ана шундан кейин иш олиб бориш, тасодифий, мақсадсиз кадрларни суратга олмаслик каби ҳулосаларни чиқардим.

Мен ўзим тасвирга олган кадрларимдан тўлиқ қониқиш ҳосил қилмадим. Келажакдаги бадиий фильмларни суратга олганимда бунданда сифатлироқ ва яхшироқ ишлашга ҳаракат қиламан. Чунки, президентимиз И.Каримовнинг таъбирлари билан айтганда мамлакатни ҳеч бир нарса санъат ва спортчалиқ машҳур қила олмайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кинематография соҳасини бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони. Тошкент, 2004 йил, 16 март.
2. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч – Т.: Маънавият, 2008.
3. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар – Т.: Ўзбекистон, 2001.
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1, 4-7 жилдлар – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси нашриёти, 2000-2004.
5. Исмоилов А.И., “Кинотелеоператорлик маҳорати”. Т.: ТДСИ. 2004.
6. Абулқосимова Х., Кино асослари. Т.: ТДСИ. 2008.
7. Исмаилов А.И. Живопись со светом в творчестве Витторио Сторраро. Т.: ЎзДСИ. 2009 й.
8. Экология и безопасность жизнедеятельности: Учебное пособие для студентов ВУЗов/ ред. Л. А. Муравий, 2002.
9. Белов С.В. Безопасность жизнедеятельности М.: Высшая школа. 2003.

Илова 1. “Қисмат” қисқа метражли бадий фильмидан кадрлар.



1. Камбагал болакай сув чархфалаги олдида.



2. Камбагал болакай боздаги ўриндиқда ўтирибди.



3. Камбагал болакай йўлакдан юриб кетмоқда.



4. Бой болакай богдаги ўриндиқда ўтирибди.



5. Камбагал болакай ўзи ўзи билан гаплашяпти.



6. Камбагал болакай бой боланинг ўрнида бўлиб қолишни истаяпти.



7. Камбагал бўлиб қолган болакай юриш баҳтидан ҳузурланмоқда.



7. Бой бўлиб қолган болакай ўз ишидаг афсусланмоқда.

